

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 339.5(54)

ББК: 65.428 (54)

Қ-53

Қодиржонов Адхамжон Мухторжон ўғли

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ТАШҚИ
САВДОСИДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР
(ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ)**

5A231001 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик
(МДХ мамлакатлари бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:

иқтисод фанлари номзоди, доцент **Эрмаматов Ш.Ж.**

Тошкент – 2015

Ҳимояга рухсат этилди:

Магистратура бўлими бошлиғи

ф.ф.н. Иброҳимова Ш.Б.

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланганлиги ва унинг долзарблиги. Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бугунги кунда ташқи савдонинг барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдаги роли ортиб бормоқда. Жаҳон хўжалигига интеграциялашув миқёс самарасидан, халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашуви имкониятларидан унумли тарзда фойдаланишга шарт-шароит яратади, ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини кенгайтиради ва пировард натижада иқтисодиётнинг умумий самарадорлик даражасини ортишига сабаб бўлади.

Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдоси динамикасининг таҳлили шуни кўрсатадики, минтақа мамлакатлари экспортида хомашё, хусусан, ёқилғи-энергетика маҳсулотларининг улуши анча юқори. Бу эса минтақа мамлакатлари экспорти ва ялпи ички маҳсулотини жаҳон хом ашё бозорлари конъюнктурасига боғлиқ қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов айтганларидек, “Ўзбекистон жаҳон бозорида хомашё ресурсларининг, масалан, пахта ва бошқа турдаги хомашёларнинг нархи кескин тушиб кетган ҳолатларни кўп маротаба бошидан кечирган”¹. Бу эса Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон олдида қўшилган қиймат даражаси ва фан сиғими юқори тайёр маҳсулотлар улушини ошириш асосида экспортда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади. Мамлакатларнинг табиий-иқтисодий ва инновация имкониятларидан келиб чиққан ҳолда экспортни ривожлантириш, иқтисодий хавфсизлик мезонлари талабларига жавоб берадиган импорт таркибини шакллантириш, шу билан бирга ташқи савдонинг тармоқ ва географик таркибини такомиллаштириш минтақа мамлакатларида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. /Халқ сўзи, 17.01.2015.

устувор йўналишларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдосидаги таркибий ўзгаришларни қиёсий таҳлил қилиш асосида экспорт ва импорт таркибини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи савдоси ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг предмети Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдоси ривожланиши жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади жаҳон хўжалигида глобаллашув ва интеграция жараёнлари чуқурлашиб бораётган шароитда Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдоси таркибини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги вазифалар қўйилган:

- халқаро ривожланиши бўйича илмий-назарий қарашларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- халқаро савдо ривожланишининг замонавий хусусиятларини очиқ бериш ва унга таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш;
- ташқи савдонинг таркибий ўзгаришларини таҳлил этишнинг услубий масалаларини ўрганиб чиқиш;
- Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи савдо динамикасини таҳлил этиш асосида унга таъсир этувчи омилларни бир тизимга келтириш;
- Марказий Осиё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташқи савдонинг товар таркибини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш;
- Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдосининг географик таркибини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз аксини топади:

- ташқи савдо таркибини таҳлил этиш кўрсаткичлари бир тизимга келтирилди;

- Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдосида таркибий ўзгаришларга салмоқли таъсир этувчи шарт-шароит ва омилларга баҳо беришга муаллиф ёндошуви таклиф этилди;

- жаҳон савдосидаги асосий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдоси таркибини диверсификациялашнинг устувор йўналишлари асникланди;

- мавжуд табиий-иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишни кўзда тутган ҳолда Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдосининг таркибини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Магистрлик диссертациясида халқаро савдо назарияларининг ривожланиш эволюцияси, халқаро савдо ривожланишининг замонавий хусусиятлари, уни таҳлил этишнинг услубий масалалари, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдоси динамикаси ва таркиби, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдоси таркибини таомиллаштиришнинг устувор йўналишлари каби масалалар кўриб чиқилади.

Магистрлик диссертациясининг фарази шундан иборатки, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдосида илғор таркибий ўзгаришларга эришиш халқаро меҳнат тақсмоти имкониятларидан самарали фойдаланишга олиб келади ва экспорт тушумлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Халқаро савдонинг моҳияти ва унга таъсир этувчи омиллар, ташқи иқтисодий фаолиятнинг миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсири, экспорт сиёсати ва ташқи савдо стратегияларини ишлаб чиқишнинг назарий-услубий жиҳатлари хорижлик

иктисодчи-олимлар – А.Смит, Д.Рикардо, Э.Хекшер, Б.Олин, В.Леонтьев, П.Самуэльсон, Р.Вернон, М.Портер, Ж.Сакс, А.Маршалл, П.Кругман, Д.Хикс, Дж.М.Кейнс, Ф.Хайек² ва бошқалар томонидан чуқур ўрганилган.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ташқи иқтисодий фаолият юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, миллий хўжаликларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг назарий ва амалий муаммолари, экспорт салоҳиятини оширишнинг барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдаги роли МДХ ва Қозоғистон олимлари Е.Ф.Авдокушин, Л.И.Абалкин, Ж.М.Адилов, А.Амриев, К.М.Биксультанов, М.Добровски, Б.К.Есекин, В.П.Колесов, В.В.Ковалев, А.Несирбаев, А.А.Нурманов, В.В.Покровская, И.В.Пилипенко, Б.Ш.Сиздиқов, В.Соколов, Ю.Шишков, А.Эльянов³ ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик тизимида интеграциялашувининг асосий йўналишлари, мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-амалий жиҳатлари, экспорт салоҳиятини ошириш имкониятлари республикаимиз иқтисодчилари – А.М.Алимов, Ш.Арифхонов, А.Ш.Бекмурадов, А.В.Вахабов, А.Ф.Расулев, Б.Ходжаев, Н.Т.Тўхлиев, А.Исаджанов, А.Исаджонов, Э.Х.Махмудов, Н.Сиражиддинов,

² Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, с. 332; Рикардо Д. Начало политической экономии и налогового обложения. М.: Прогресс, 1993. с.293; Маршалл А. Принципы экономической науки. М.: Прогресс, 1993. с. 267; Hecksher Eli. 1919. The Effect of Foreign Trade on the Distribution of Income. – Economic Tidskrift, pp. 497-512; Bertil Ohlin. Irregional and International Trade. – Cambridge, Massachuset: Harvard University Press, 1933; Paul Samuelson. International Trade and the Equalization of Factor Prices. – Economic Journal 58 (1948), pp.163-184; Krugman Paul. Import Protection as Export Promotion: International Competition in the Presence of Oligopolies and Economic Scale. In: Monopolistic Competition and International Trade – Oxford: Oxford University Press, 1984; Портер М. Международная конкуренция. /Пер. с англ. Под ред. И с предисловием В.Д. Щетинина. М.: Международные отношения, 1993. – с.896; Кейнс Д. Общая теория занятости, процента и денег: Антология экономической классики. - М.: Эконом-Ключ, 1993. – с. 456.

³Добровски М. Обновленный Европейский союз и СНГ реалии экономического сотрудничества. //Неприкосновенный запас. – 2007, №6 (56), - с.26-30.; Пилипенко И.В. Конкурентоспособность и интеграция: кластерная политика в Европейском Союзе //Сборник научных трудов ИМЭМО РАН «Интеграционные процессы в современном мире: экономика, политика, безопасность». – Москва, 2007. – с.24-32.; Соколов В. Структура российской экономики и ее включение в мирохозяйственные связи. – Мировая экономика и международные отношения, 2001. №12, стр. 19-33.; Шишков Ю.В. Интеграционные процессы на пороге XXI века: Почему не интегрируются страны СНГ. М.: НП «III тысячелетие», 2001. – 352с.

Э.Ф.Трушин, Н.Т.Тўхлиев, Б.Эргашев⁴ ва бошқаларнинг илмий ишларида кенг ёритиб берилган.

Юқорида номлари келтирилган олимларнинг ушбу соҳани ўрганишга қўшган ҳиссаларини эътироф этган ҳолда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда қиёсий таҳлил асосида Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдосидаги таркибий ўзгаришлар етарли даражада ўрганилмаган. Бу эса ушбу магистрлик диссертациясининг танланишига асос бўлди.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот давомида иқтисодий-статистик, тизимли таҳлил, таққослаш ва бошқа замонавий илмий ўрганиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашуви, экспорт таркибини такомиллаштириш билан боғлиқ янги лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Илмий ахборот, назарий хулоса ва амалий тавсиялардан иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Магистрлик диссертацияси таркибий жиҳатдан кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

⁴Хамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. – Т.: «Адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2001. – 328 б.; Бекмуратов А. Внешняя политика Республики Узбекистан в контексте экономической безопасности (методологический аспект).//Xalqaro munosabatlar. 2000, №2. - с.3-10; Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т.: “Молия”. – 2010. – 328 с.; Расулев А., Бедринцев А., Акилов А. Узбекистан: Внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. - Т.: Узбекистан, 1996. – 80 с; Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретико-методологические аспекты. Монография. Ташкент – 2004. – 224 с.; Тўхлиев Н.Т., Ҳақбердиев Қ.Қ., Эрмаматов Ш.Ж., Холматов Н.Б. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 280 б.; Трушин Э., Прибиткова В. Сравнительные преимущества Узбекистана в международной торговле.// Экономический вестник Узбекистана.- 2000, №3. с.10-14

I БОБ. ТАШҚИ САВДО ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ташқи савдо ривожланишини тадқиқ этишнинг назарий жиҳатлари

Мамлакатларнинг жаҳон хўжалигидаги иштироки миллий иқтисодиётнинг ривожланишини таъминловчи асосий омиллардан ҳисобланади. Айниқса, замонавий глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган иқтисодий вазиятда ташқи иқтисодий алоқаларнинг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Миллий иқтисодиётнинг халқаро миқёсдаги иштироки мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари ва устунлик томонларини, шу билан бирга унинг кучсиз жиҳатларини ҳам инобатга олган ҳолда ташкил этилиши лозим. Ташқи савдо, халқаро иқтисодий алоқаларнинг тарихий ва анъанавий шакли сифатида миллий иқтисодиётда катта ўрин тутди. Унинг ривожланиши миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсир этиб, бунда кўришдаги йўналишларда кўришимиз мумкин:

- миллий иқтисодиётнинг ресурслар базаси кенгаяди ва ички бозор торлигига барҳам берилади;
- бозор ҳажмининг кенгайиши билан ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш имконияти вужудга келади ва миқёс самарасига эришилади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш харажатларининг қисқаришига олиб келади;
- жамғариш ва саноатлашув имкониятлари кенгаяди, иқтисодий ўсиш суръатлари жадаллашади, табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ошади, пировард натижада меҳнат унумдорлигининг ўсиши юз бериб, кишилар даромадлари кўпаяди;
- экспорт ҳисобига ишлаб чиқаришнинг кенгайиши натижасида янги ишчи ўринлари яратилади;

- мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни мустаҳкамланади ва унинг халқаро ихтисослашув даражаси ортади.

Халқаро савдонинг моҳияти, унинг сабаблари ҳамда уни қандай ташкил этиш масалалари кўплаб иқтисодчилар эътиборини ўзига жалб қилган. Ушбу масала дастлаб меркантилист⁵ мактаб вакиллари томонидан изоҳланган. Мамлакат бойлигини олтинлар (пул) ташкил этади деб ҳисоблаган меркантилистлар ташқи савдони тартибга солишда мамлакатдаги олтин миқдорини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга эътибор қаратилмоғи керак деб таъкидлаганлар. Уларнинг назарияларига кўра, мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини яхшилаш учун имкон қадар маҳсулотларни кўпроқ экспорт қилиш ва бу билан мамлакатга олтин кириб келишини таъминлаши лозим, олтинларни мамлакатдан чиқиб кетишига сабаб бўлувчи импорт эса камайтиради. Экспорт ва импорт ўртасидаги тафовут эса миллий бойликнинг ўсиши ҳисобланади. Меркантилистлар томонидан халқаро савдо иштирокчилари бирдек фойда олиши инкор этилган, бир мамлакатнинг бойишига иккинчи мамлакат ҳисобидан эришилади деб ҳисобланган. Бундан ташқари ушбу мактаб вакиллари биринчилардан бўлиб ташқи савдо муаммоларига эътибор қаратдилар, унинг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги аҳамиятини таъкидладилар, экспорт ва импортга сарфланадиган харажатларнинг муайян нисбатини асослаб бердилар.

Англиялик классик иқтисодчи, “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари ҳақида изланиш” асари муаллифи Адам Смит халқаро савдонинг “мутлоқ устунлик назарияси”ни ишлаб чиқди. Назарияда исталган мамлакат ишлаб чиқариш бошқа мамлакатларга нисбатан кам харажатлар талаб этадиган маҳсулотларини экспорт қилиши лозимлиги таъкидланади. Агар бирор бир товарни импорт қилиш уни мамлакат ҳудудида ишлаб чиқаришдан арзонга тушса, бу товарни бошқа мамлакатдан сотиб олиш таклиф этилади. Яъни Адам Смит халқаро савдода халқаро меҳнат тақсимоти асосида

⁵Меркантилизм мактабининг асосий намояндалари Томас Мун (1571-1641), Чарльз Давенант (1656-1687), Джейн Баптист Колберт (1623-1687), Уильям Петти (1623-1687) ҳисобланади.

ихтисослашув орқали иштирок этишни таклиф қилади. Адам Смит ўз қарашларида иқтисодиётнинг давлат аралашувидан мутлоқ эркин бўлиши лозимлигини ва омилларнинг эркин ҳаракати ҳам иқтисодий ривожланишнинг асослари сифатида кўрсатиб ўтган.

Адам Смит назарияси Давид Рикардо томонидан ривожлантирилди. XIX асрнинг бошларида иқтисодчи олим томонидан “нисбий устунлик назарияси” ишлаб чиқилди. Назарияга кўра, агар мамлакат бирор турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришда бошқа мамлакатга нисбатан кўпроқ самарадорликка эришаётган бўлса, ушбу маҳсулотни сотиш орқали фойдага эришиши мумкин. Ушбу назарияларда мамлакатлар имкониятини таққослашда бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақти ягона ўлчов бирлиги сифатида олинган. Рикардо қарашларида мамлакат Смит назариясида таъкидланганидек мутлоқ устунликка эга бўлмасада, нисбий устунлик эвазига халқаро савдода иштирок этиши ва фойда олиши мумкинлиги илгари сурилган. Ўзининг “Сиёсий иқтисод ва солиққа тортиш тамойиллари” асарида Давид Рикардо нисбий устунлик назариясини Англия ва Португалия мисолида тушунтириб берган.

XX асрнинг 30 йилларига келиб, халқаро меҳнат тақсимотининг хусусиятлари ўзгарди ва бу халқаро савдонинг товар ва географик таркибини ўзгаришига сабаб бўлди. Ривожланган мамлакатлар саноат маҳсулотлари экспортини кенгайтирдилар. Бунинг сабабларини ўз ишларида Эли Хекшер ва Бертил Олин изоҳлаб беришга ҳаракат қилдилар. Улар ўз иқтисодий моделини яратишда Давид Рикардонинг “нисбий устунлик” назариясига асосландилар. Моделда бир неча соддалаштиришлар қабул қилинганини ҳам айтиб ўтиш лозим:

- халқаро савдода икки мамлакат иштирок этади;
- икки турдаги товар ишлаб чиқарилади;
- товарлар ишлаб чиқишда икки омил: капитал ва ишчи кучидан фойдаланилади.

Хекшер-Олин моделида нисбий устунликнинг вужудга келтирувчи икки сабаб кўрсатилади. Биринчидан, мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш омилларининг турли нисбатларда тақсимланган. Иккинчидан, турли хил товарларни ишлаб чиқишда омиллардан турли нисбатларда фойдаланилади. Бир мамлакатда капитал кўп учраши фоиз ставкаларининг паст бўлишига олиб келади. Шу сабабли бу мамлакат капиталталаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Иккинчи мамлакатда эса ишчи кучи арзонлиги натижасида меҳнатталаб маҳсулотлар ишлаб чиқариши ривожланади.

Ушбу назария америкалик иқтисодчи Василий Леонтьев томонидан эмпирик тадқиқотларда АҚШ ташқи савдоси мисолида кузатилди. Назарияга кўра капиталга бой АҚШ экспортида капиталталаб маҳсулотлар улуши ортиб бориши кутилган эди. Амалда эса, аксинча, меҳнат сиғими юқори маҳсулотлар экспорти кенгайди. Бу ҳолат фанга “Леонтьев парадокси” атамаси билан киритилди. Изланишлар шуни кўрсатдики, АҚШ экспортида меҳнат сиғими юқори бўлган товарлар улушининг ортишига меҳнат ресурсларига бўлган нархларнинг баландлиги сабаб бўлган. Меҳнат ресурсларининг малакаси ва ишлаб чиқариш имкониятларининг юқори экани ҳисобига АҚШда меҳнат ресурслари ривожланаётган мамлакатлардагига нисбатан бир неча марта қиммат эди. Бу тажриба халқаро савдо муносабатларини таҳлил этишда ишчи кучининг ҳар икки турини ҳисобга олиниши лозимлигини кўрсатди.

Классик моделларга асосланиб, Пол Самуэлсон ва Гарри Джонсон томонидан “маҳсус омил” назарияси ишлаб чиқилди. Меҳнат ишлаб чиқаришнинг тармоқлараро мобил омили бўлиб, чекли нафтилик даражасининг ўзгаришига мос равишда бир тармоқдан иккинчи тармоққа ўтиши мумкин. Иқтисодиётнинг бошқа омиллари айнан бир тармоққа бириктирилган. “Маҳсус омил” назарияси ташқи савдо ва иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришлари ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиб беради.

Ташқи савдонинг таркибий ўзгариши ва ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги боғлиқлик Самуэльсон-Столпер моделида ўз аксини топган. Ушбу моделда ҳам қуйидаги соддалаштиришлар қабул қилинган: икки турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга қисман ихтисослашган икки омилга эга икки мамлакат ўртасидаги савдо алоқалари олинади ва кўлам самарасининг доимий таъсири мавжуд.

Мамлакат иқтисодий жиҳатдан афзаллиги сабаб бир турдаги маҳсулотни экспорт қилади, иккинчи тур маҳсулотни эса импорт қилади. Лекин миллий иқтисодий хавфсизлик нуктаи назаридан ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-қувватлаш мақсадида иккинчи турдаги маҳсулот импортига чеклов қўяди. Бунинг натижасида юз берадиган иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар моделда Англиянинг пўлат ва мато ишлаб чиқариш саноати мисолида кўриб чиқилган. Ишлаб чиқаришда классик моделларда каби меҳнат ва капитал омиллари олинган.

1.1.1-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун омиллар ҳаражати

Маҳсулот номи	Бир бирлик маҳсулот учун ҳаражатлар	
	Меҳнат (L)	Капитал (K)
Пўлат	4 (L_1)	1 (K_1)
Мато	2 (L_2)	3 (K_2)

Англия иқтисодиётида мато импортига қўйилган чеклов унинг ички бозордаги нархини ортишига сабаб бўлади. Натижада мато ишлаб чиқариш саноати кенгая бошлайди, ўз ўрнида омилларнинг ушбу тармоққа кўчиши натижасида пўлат ишлаб чиқариш ҳажми қисқаради. Лекин пўлат ишлаб чиқариш бир бирликка қисқариши 4 бирлик меҳнат ва 1 бирлик капитални бўшатади. Мато ишлаб чиқариш эса бир бирликка кенгайиши учун 2 бирлик меҳнат ва 3 бирлик капитал талаб этади. Бунинг учун эса пўлат ишлаб чиқариш 3 бирликка қисқариши талаб этилади. Ортиқча 4 бирлик меҳнат омиллар бозорида таклифни ортишига сабаб бўлади ва бу ҳолат меҳнатнинг

нархини пасайишига олиб келади. Капиталнинг нисбий нархи эса ички бозорда нисбатан кўтарилади. Натижада капитал эгаларининг даромади ортиб боради. Самуэлсон-Столпер модели шу йўл билан ташқи савдонинг даромадлар тақсимланишига таъсирини ўрганиб чиққан.

Ташқи савдо назариясида Авинаш Диксит ва Джозеф Стиглицнинг монопол рақобат модели яратилиши билан янги йўналиш вужудга келди. Бунинг сабаби ихтисослашув ва қиёсий устунликнинг классик назариялари мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларининг фақатгина бир йўналиши, яъни тармоқлараро савдонинг сабабларини тушунтириб берарди. Лекин 1960-1970 йиллардан кейин халқаро савдода бир тармоқ маҳсулотларининг алмашинуви ҳолати кўпроқ кузатила бошлади. Аслида мамлакат учун монопол рақобат шароитида тармоқлар сонининг энг афзал ҳажмини аниқлашга қаратилган Диксит-Стиглиц модели Пол Кругман томонидан ташқи савдога нисбатан қўлланилди. Бу билан у ривожланган мамлакатлар ўртасидаги бир тармоқ маҳсулотлари савдосини изоҳлаб беришга ҳаракат қилди. Модел хулосаларига кўра, икки омил бир турдаги товар савдосига сабаб бўлади. Булар масштаб самараси ҳамда истеъмолчиларнинг хилма-хил маҳсулотлар харид қилишга бўлган мойиллигидир. Пол Кругман моделида мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларининг йўлга қўйилиши билан қуйидаги миқдорий ўзгаришлар кузатилади:


- бозор ҳажми кенгаяди ва бозордаги корхоналар сони ортади;
- рақобат кучайиши натижасида баъзи корхоналар ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади;
- фаолиятини давом эттираётган корхоналарда ишлаб чиқариш кенгаяди ва уларнинг даромади ортади.

Пол Кругман бу ўзгаришлар натижасида иқтисодиётнинг умумий самарадорлигини ортишини таъкидлаган. Товарлар сонининг ва турларининг ортиши, масштаб самараси эвазига умумий ҳаражатлар миқдорининг камайиши орқали ҳар бир мамлакат иқтисодий ютуққа эришилиши, ишчилар

эса фаолияти тўхтатилган корхоналардан ўз фаолиятини кенгайтирган корхоналарга ўтиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Классик моделлар ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларини тушунтириб беришга қаратилган бўлса, Пол Кругман мазкур иши орқали ривожланган мамлакатларнинг ўзаро савдо алоқаларининг сабабларини кўрсатиб берган.

Стандарт моделнинг назарий асослари иқтисодчилар Эджоурт ва Хеберлер томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унда қуйидаги шартлар белгилаб олинган:

- барча истеъмолчилар энг юқори нафлиликка интиладилар;
- ишлаб чиқарувчилар ҳам иқтисодий фойдани максималлаштиришга ҳаракат қиладилар;
- бозорда мукаммал рақобат шароити мавжуд.



1.1.1-расм. Ташқи савдонинг стандарт модели

1, 2 – мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар.

Q^1 , Q^2 – ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми.

A – ресурслардан самарасиз фойдаланиш натижаси.

В – технологик имконият чеклаганлиги сабабли эришиб бўлмайдиган вазият.

Мамлакат имкон даражасида ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Ички эҳтиёжлардан ортиқ ҳажм ишлаб чиқарилса, экспорт қилинади. Имкониятлар чекланганлиги сабабли иккинчи товар етарли даражада ички эҳтиёжларни қондиролмайди ва камчилик импорт ҳисобига тўлдирилади.

Янги классик-технологик модел 1968 йилда иқтисодчи М.Познер томонидан таклиф этилган бўлиб, унга кўра экспортга чиқарилаётган маҳсулотлар бозорда янги бўлиши, бу билан мамлакатнинг монополлиги технологик жиҳатдан таъминланган бўлиши лозим. Бундай вазиятда мамлакат бозорда ягона ишлаб чиқарувчи экани ҳисобига максимал даромад олади. Шунинг учун ҳукумат томонидан миллий ишлаб чиқарувчиларнинг инновацион фаолияти қўллаб-қувватланиши лозим экани таъкидланган.

Мамлакатнинг халқаро савдода иштирокига таъсир этувчи куч сифатида ички бозорда мавжуд рақобатни кўриш мумкин. Кучли рақобат муҳитида янги бозорлар излашга, фаолият географиясини кенгайтиришга бўлган интилиш ортади. Бу эса алоҳида корхоналарнинг ташқи бозорга чиқишига асосий туртки ҳисобланади. Бу йўналишда изланишлар олиб борган Майкл Портер “мамлакатлар халқаро рақобатбардошлиги назарияси”ни ишлаб чиқди. Иқтисодчи 10 дан ортиқ ривожланган мамлакатларда олиб борган тадқиқот ишларига асосланиб мамлакатларнинг рақобатбардошлиги ҳусусида қуйидаги хулосаларга келди:

1. Рақобат мамлакатдаги ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш даражасига боғлиқ.
2. Мамлакат ичидаги ва унинг атрофида мавжуд муҳит тармоқларнинг рақобатбардошлигига таъсир этади.
3. Рақобатбардошликни мамлакатдаги инновация ва модернизациялашув даражаси белгилаб беради.

4. Мамлакатдаги иқтисодий субъектлар учун давлат томонидан яратилган имконият ва қулайликлар, фаолият кўрсатишнинг енгиллиги рақобатбардошлик даражасининг ортишига хизмат қилади.

Портер назариясида мамлакатнинг рақобатбардошлиги даражаси белгилаб берувчи параметрлар кўрсатиб берди:

- мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари;
- мамлакат ички бозорларида талаб даражаси;
- турдош ва хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг мавжудлиги;
- алоҳида олинган корхоналар стратегияси.

Ташқи савдо ва ишлаб чиқариш омиллари ўртасида боғлиқликни ўрганувчи яна бир назария Рибчинский теоремаси бўлиб, унда омилларнинг миқдорий ўзгаришининг ташқи савдо таркибига таъсири кўрсатилган. Бу теоремада ҳам бир қатор шартлар белгилаб олинган: доимий масштаб самараси мавжуд, бошқа омиллар ва ишлаб чиқариш технологияси ўзгаришсиз қолганда бир омилнинг ўсиши ўрганилади.

Мамлакатда А ва В турдаги товарлар ишлаб чиқарилади, Х ва У омиллар А ва В товар учун мос равишда 70:30 ва 30:70 нисбатда ишлатилади. Х омилнинг миқдорий ўсиши мамлакатда А турдаги товар ишлаб чиқарилишини кенгайтиришига олиб келади. Натижада В товар ишлаб чиқаришга йўналтирилган У омилнинг бир қисми А товар ишлаб чиқаришда ишлатилади. А товарнинг таклифи ва В товарга бўлган талаб ортади. Натижада А товарнинг экспорти ва В товарнинг импорти ортади. Шу тариқа иқтисодиётдаги бир омилнинг миқдорий ўзгариши мамлакат ташқи савдосининг таркибий ўзгаришига олиб келади.

Халқаро савдо мамлакат ва минтақалар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг энг асосий шакли сифатида алоҳида мамлакатлар иқтисодиётида катта ролга эга. Шу жиҳатдан бу йўналишда илмий-амалий изланишлар кўп олиб борилган ва бугунги кунда ҳам илмий ишларда бу йўналиш ўз долзарблигини йўқотганича йўқ. Ушбу назариялар жаҳон

хўжалигининг ривожланиши ва янги хусусиятлар намоён қилиши билан ривожланиб бори. Ҳар бир иқтисодчи маълум назарияларга асосланиб, ташқи савдо хусусиятларининг илмий асосларини яратишга интилдилар. Шу жиҳатдан дастлабки классик назариялар ҳам ҳозирга қадар ўз долзарблигини сақлаб келмоқда.

1.2. Ташқи савдо ривожланишининг замонавий хусусиятлари

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши, глобализация жараёнларининг чуқурлашуви, шу билан бирга фан-техниканинг илгарилаб кетиши мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни янги босқичга олиб чиқди. Технологиялар, хусусан, транспорт ва алоқанинг ривожланиши натижасида иқтисодий муносабатларда, айниқса, халқаро савдода сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Сўнгги йилларда халқаро савдо ривожланишининг бир қатор хусусиятларини алоҳида ажратиш мумкин.

Биринчи навбатда, халқаро савдо ҳажми жадал суръатларда ўсиб бораётганини таъкидлаш лозим. Қуйида келтирилган жадвалда жаҳон хўжалигининг баъзи асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари келтирилган (1.2.1-жадвал).

1.2.1-жадвал

Жаҳон хўжалиги кўрсаткичлари қўшимча ўсиши даражаси (ўтган йилга нисбатан фоизларда)

Йиллар	ЯИМ	Саноат ишлаб чиқариши	Товар ва хизматлар экспорти	Товар ва хизматлар импорти
2005	4,70	6,00	37,30	34,10
2006	5,30	6,00	17,10	17,60
2007	5,20	5,00	20,40	17,40
2008	3,10	3,20	28,40	30,70
2009	-0,80	-2,70	-21,90	-24,20
2010	5,10	4,60	21,50	20,70
2011	3,80	3,90	19,90	21,50
2012	3,10	3,20	0,10	0,10
2013	2,80	2,70	1,70	1,20

Манба: www.wto.org

Жадвал маълумотлари таҳлилидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- халқаро савдо ялпи ички маҳсулот ва саноат ишлаб чиқаришига нисбатан юқори суръатларда ривожланиши ва таҳлил этилаётган даврда ўртача йиллик қўшимча ўсиш ЯИМ, саноат ишлаб чиқариши ва халқаро савдо ҳажми учун мос равишда 3,42 фоиз, 3,40 фоиз ва 12,47 фоизни ташкил этди;
- таҳлил этилаётган даврда ЯИМ 1,44 мартага, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1,43 мартага, халқаро савдо ҳажми эса 2,87 баробарга ошган.
- сўнгги икки йил давомида халқаро савдо ҳажмининг ўсиш суръатлари кескин пасайган, 2012 йилда эса олдинги йилга нисбатан деярли ўзгаришсиз сақланган.

Инқироздан кейинги даврда халқаро савдо айланмаси ҳажмининг ўсиш кўрсаткичларида пасайиш кузатилди. Ушбу ҳолат йирик иқтисодий минтақа – Европа иқтисодий ривожланиши кўрсаткичларининг пасайиши, талаб ҳажмининг қисқариши билан изоҳланмоқда.

Халқаро савдо ривожланишида кузатилаётган асосий хусусият унда ривожланаётган мамлакатлар улушининг ортиб бораётгани ҳисобланади. Агар 1980 йилларда ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро савдодаги ҳиссаси 34 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда ушбу гуруҳ ҳиссасига умумий савдо айланмасининг қарийб 47 фоизи тўғри келмоқда. Мос равишда ривожланган мамлакатларнинг халқаро савдодаги улуши 1980 йилдаги 66 фоиздан 2011 йилга келиб 53 фоизга қадар пасайган⁶. Ривожланаётган мамлакатлар иштирокининг кенгайиши билан халқаро савдонинг географик таркибида ҳам бир қатор силжишлар кузатилди. Халқаро савдода 1990 йилларга қадар икки минтақа: Шимолий Америка ва Европа етакчи эди. Замонавий босқичда эса Осиё-Тинч океани минтақасининг улуши ҳам сезиларли даражада ортиганини кўриш мумкин. Натижада, “Жануб-Жануб” форматидаги савдо муносабатларининг халқаро савдодаги улуши 1990

⁶ UNCTAD Handbook of statistics 2013. New York and Geneva 2014

йилларда 8 фоизга тенг бўлган. Бугунга келиб бу кўрсаткич 24 фоизга етган. Шунингдек, “Шимол-Жануб” форматидаги муносабатлар ҳажмида ҳам 33 фоиздан 38 фоизгача ўсиш кузатилган. Аксинча, ривожланган мамлакатлар ўртасидаги яъни “Шимол-Шимол” савдо алоқаларининг улуши мазкур даврда пасайган бўлиб, 36 фоизни ташкил этган.

Халқаро савдо географик таркибидаги бу ўзгаришларнинг вужудга келиши Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари, Хиндистон, Лотин Америкасининг ривожланаётган мамлакатлари ва, албатта, Хитой иқтисодиётининг ўсиши, уларнинг халқаро савдодаги иштирокининг кенгайиши билан изоҳланади.

1.2.2-жадвал

Йирик экспортёр мамлакатлар (млрд АҚШ доллари, 2013 йил)


№	Мамлакатлар	Экспорт ҳажми	Жаҳон экспортида улуши (фоизларда)
1	Хитой	2210,00	11,81
2	Германия	1493,00	7,98
3	АҚШ	813,20	4,35
4	Япония	697,00	3,73
5	Франция	578,60	3,09
6	Жанубий Корея	557,30	2,98
7	Россия	515,00	2,75
8	Канада	458,70	2,45
9	Ҳиндистон	313,20	1,67
10	Бразилия	244,80	1,31
	Жаҳон, умумий	18710,00	

Манба: UNCTAD Handbook of statistics 2013. New York and Geneva 2014

Хитой экспорти умум жаҳон экспортининг 11 фоизини ташкил этган. Сўнгги беш йил давомида у етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Иккинчи йирик экспортчи мамлакат Германия бўлиб, бутун жаҳон экспортининг тахминан 8 фоизи ушбу мамлакат ҳиссасига тўғри келмоқда.

Минтақавий савдо кўрсаткичларида ҳам бир қатор ўзгаришлар кузатилмоқда. Жумладан, Осиё мамлакатларининг ташқи савдо кўрсаткичларининг 52 фоизи мазкур минтақанинг ички савдо алоқалари улушига тўғри келади. Бу кўрсаткич 1990 йилларда 42 фоизни ташкил этарди. Бу рақамлардан Осиё мамлакатларида минтақавий савдо ролининг ортиб бораётганини кўришимиз мумкин. Шимолий Америкада минтақавий савдонинг ҳажми 1990 йилларда 41 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилларда 56 фоизга қадар ўсди, лекин 2011 йилларга келиб, 48 фоизгача пасайди. Европада минтақавий савдонинг улуши 75 фоизга тенг бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича етакчи ҳисобланади. Бироқ Европа иттифоқи ички савдо айланмаси ҳисобга олинмаса, минтақавий савдонинг улуши 29 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич 1990 йилларда 35 фоизни ташкил этган.

Бу кўрсаткичлардан замонавий халқаро савдонинг минтақавий хусусият касб этаётганини кўриш мумкин. Минтақавий савдонинг ривожланишида товар таркибининг ҳам таъсири сезилади.



1.2.1-расм. Халқаро товар экспортнинг таркиби ва динамикаси (фоизларда)

Манба: UNCTAD Handbook of statistics 2013. New York and Geneva 2014


Тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар савдосида бир минтақа мамлакатларининг улуши юқори. Тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларнинг замонавий халқаро савдонинг товар таркибидаги улуши 77 фоиздан юқорини ташкил этмоқда.

Тайёр маҳсулотларнинг жаҳон экспортидаги улуши кўрилатган давр учун деярли ўзгаришсиз сақланган ва давр охирига келиб 38 фоизга тенг бўлди. Йирик иқтисодий минтақалар – Жануби-Шарқий Осиё, Ғарбий Европа, Шимолий Америка ва МДХ мамлакатларининг ташқи савдосига эътибор қаратилса, тайёр маҳсулотлар, асосан, қўшни мамлакатларга экспорт қилинаётганини кўриш мумкин. Яъни мамлакатнинг минтақадаги савдо ҳамкорлари тайёр маҳсулотларнинг асосий қисмини истеъмол қилади. Ярим тайёр маҳсулотларнинг экспортдаги улуши баъзи йилларда тайёр маҳсулотлар улушидан ҳам юқори эканини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат халқаро меҳнат тақсимоотида алоҳида меҳнат турлари бўйича ихтисослашувнинг юқори эканини кўрсатади. Замонавий иқтисодий шароитларда бир маҳсулотни ишлаб чиқариш учун унинг қисмлари бир неча мамлакатлар чегарасини кесиб ўтади. Шу сабабли баъзи маҳсулотларни ишлаб чиқариш минтақавий характер касб этиб, халқаро савдонинг географик таркибини ўзгаришига ҳам таъсир этмоқда.

Жаҳон экспортида 2000 йилларга қадар хом ашё маҳсулотларининг экспортида пасайиш кузатилди, лекин сўнгги пайтларда нархларнинг кўтарилиши натижасида уларнинг улуши дастлабки кўрсаткичдан ҳам юқорига кўтарилди. Шу каби ҳолатни ёқилғи-энергетика маҳсулотларида ҳам кузатиш мумкин. Таҳлил этилаётган давр бошида унинг улуши 7 фоизни ташкил этган бўлса, давр охирига келиб, 17,7 фоизга кўтарилди. Бунинг асосий сабаби сифатида бу гуруҳдаги маҳсулотларга бўлган нархларнинг ортиб боришини кўрсатиш мумкин.

Шу ўринда халқаро савдода хизматлар савдосининг ролини ҳам кўриб ўтиш лозим. Зеро, хизматлар савдосининг географик таркиби ҳам ўзига хос

кўриниш касб этмоқда. Сўнгги йилларда хизматлар экспорти ўртача йиллик 8 фоиз ўсишга эришмоқда. Унинг умумий жаҳон экспортидаги улуши ҳам ортиб бормоқда ва 2013 йил унинг бу кўрсаткичи 20 фоизни ташкил этди. Хизматлар экспортининг географик таркибида эса етакчи ўринларни АҚШ – 14,3 фоиз, Буюк Британия – 6,3 фоиз, Германия – 6,2 фоиз, Франция – 5,1 фоиз ва Хитой – 5,1 фоиз эгаллаб турибди.



**1.2.2-расм. Халқаро хизматлар экспортининг таркиби, 2013 йил.
(млрд АҚШ доллари)**

Манба: UNCTAD Handbook of statistics 2013. New York and Geneva 2014

1.2.2-расмдан халқаро хизматлар экспортининг 2013 йил учун таркибий тузилишини кўришимиз мумкин. Саёҳат хизматлари қарийб 25,0 фоиз кўрсаткич билан энг юқори улушга эга. Транспорт хизматларининг умумий экспортдаги улуши эса 20,0 фоизни ташкил этмоқда.

Халқаро савдо хусусиятларнинг бу тарика ўзгаришига бир неча омиллар таъсир этади. Халқаро савдонинг товар ва географик таркибига минтақа ва мамлакатларнинг аҳоли таркиби ва ундаги ўзгаришлар кучли таъсир кўрсатади. Аҳоли сони ва унинг таркиби истеъмол ва ишлаб чиқариш хусусиятларини белгилаб берувчи омиллардан ҳисобланади. Минтақаларнинг демографик хусусиятларидаги тафовут уларнинг халқаро савдодаги ўрнини ҳам белгилаб беради.

Инвестициялар ҳам мамлакатнинг халқаро савдодаги иштирокига сезиларли таъсир кўрсатади. Жумладан, инфратузилмаларни ривожлантиришга киритилган инвестициялар мамлакатдаги иқтисодий муҳитнинг яхшиланишига, ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига ва бу билан ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ортишига сабаб бўлиши мумкин. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши орқали экспортга маҳсулот чиқариш учун замин яратса, аҳолини иш билан таъминлаш орқали мамлакатдаги талаб ҳажмини ҳам кенгайишига олиб келади.

Жаҳон иқтисодиётида Трансмиллий компанияларнинг иштирокининг кенгайиши халқаро савдонинг географик таркибини ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Харажатларни қисқартириш ва қулай иқтисодий муҳитга бўлган интилиш йирик корхоналар фаолиятини бир минтақадан бошқа бир минтақага кўчишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз ўрнида халқаро экспортда бир минтақа ролининг пасайиши ва бошқа минтақа улушининг ортишига олиб келади.

Шу ўринда халқаро иқтисодий алоқалар, ҳусусан, халқаро савдони тартибга солувчи, кўллаб-қувватловчи, назорат қилувчи институтлар фаолиятини ҳам алоҳида кўриб ўтиш лозим. Давлатлар ўртасидаги келишувлар, иқтисодий гуруҳлар ташкил этилиши ёки мамлакатларнинг турли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши халқаро савдонинг янада ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Мамлакатлар ўртасидаги сиёсий тўсиқларнинг олиниши савдо ҳажмининг ортишини таъминлайди.

Юқорида келтирилган тўрт омил мамлакат ёки минтақанинг халқаро савдодаги қиёсий устунлигини ўзгаришига сабаб бўлади. Шу билан бирга ушбу омиллар ўзаро боғлиқ бўлиб, бирининг ривожланиши бошқа бирининг ривожланишига замин ҳозирлаши мумкин.

Бу каби ўзгаришлар, мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг кучайиши, фан-техниканинг тараққиёти ва минтақаларнинг иқтисодий-ижтимоий

вазиятлари каби омиллар халқаро савдо хусусиятларининг давомли равишда ўзгариб туришига сабаб бўлади.

1.3. Ташқи савдо таркибидаги ўзгаришларни тадқиқ қилишнинг услубий масалалари

Ташқи савдо, ундаги таркибий ўзгаришларни тадқиқ этишда бир қатор иқтисодий тушунчалар ва кўрсаткичлардан фойдаланилади. Ташқи савдо айланмаси ташқи савдони таҳлил этишдаги асосий кўрсаткичлардан бўлиб, экспорт ва импорт йиғиндисидан иборат. Ташқи савдо айланмаси мамлакатнинг халқаро савдодаги иштироки даражасини кўрсатиб беради. Ташқи савдо таърифда келтирилганидек икки таркибий қисмдан иборат.

Экспорт – мамлакат ҳудудидан сотиш учун олиб чиқилган товар ва хизматлар ҳажмининг пулдаги ифодаси.

Импорт – мамлакат ҳудудига ички истеъмол ёки қайта экспорт қилиш учун олиб кирилган чет эл маҳсулотлари ва хизматлар ҳажмининг пулдаги ифодаси. Бу икки кўрсаткич ўртасидаги фарқ ташқи савдо баланси ёки ташқи савдо сальдоси дейилади. Ташқи савдо баланси мусбат бўлиши (экспорт ҳажми импорт ҳажмидан кўп бўлса) ва, аксинча, манфий бўлиши мумкин. Экспортнинг ЯИМга нисбати экспорт квотаси деб аталади. Экспорт квотаси мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги билан боғлиқлик даражасини кўрсатади. Импорт квотаси эса импортнинг ЯИМга нисбати бўлиб, у мамлакат ташқи бозорга қай даражада боғланиб қолганини билдиради. Шунингдек умумий истеъмол ҳажмида импортнинг улуши ҳам ташқи бозор ва миллий иқтисодиётнинг боғлиқлик даражасини аниқлаб беради.

Ташқи савдо таркибидаги ўзгаришларни тадқиқ қилишда мамлакат ташқи савдосининг географик таркибини ҳам ўрганиб чиқиш лозим. Экспортнинг географик таркиби деганда, биринчи навбатда, мамлакатнинг экспорт ҳамкорлари тушунилади. Шу билан бирга экспортнинг географик

таркиби мамлакат экспортида унинг маъмурий-иқтисодий ҳудудлари улушларини ҳам англатади.

Экспортнинг товар таркиби мамлакат экспортининг алоҳида товарлар ва хизматлар гуруҳи бўйича тақсимланишини англатади.

Экспорт ва импортнинг таркибидаги ўзгаришлар бир неча йўналишларда содир бўлиши мумкин. Биринчи навбатда, товар гуруҳининг нархи кўтарилиши мумкин. Бунда унинг умумий экспорт ёки импортга нисбати ортиб, улуши кўпаяди. Бу ҳолат мамлакат иқтисодиётининг ўсганлиги ҳақида бирор фикр билдиришимизга асос бўлолмайди, чунки нархлар ўзгариши жаҳон бозоридаги вазиятга боғлиқ. Шунингдек, бир гуруҳ товарларига бўлган нархнинг пасайиши ушбу гуруҳнинг умумий ҳажмдаги улушини пасайишига сабаб бўлади.

Иккинчи ҳолатда, маълум бир товарнинг жисмоний ҳажмидаги ўзгариш унинг улушини мос равишда камайишига ёки ортишига сабаб бўлади. Бу ўзгариш экспорт таркибида юз берса, мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортганини ёки қисқарганини билдириши мумкин. Импортдаги бу каби ўзгариш эса мамлакатда талаб пасайганини ёки ортганини, шу билан бирга, ички ишлаб чиқариш кенгайганини билдириши мумкин.

Учинчи кўринишдаги ўзгариш, алоҳида олинган товар гуруҳига боғлиқ бўлмаган ўзгаришлар натижасида содир бўлади. Яъни белгиланган товар нархи ҳам, ҳажми ҳам ўзгармайди, лекин бошқа товардаги ўзгаришлар натижасида умумий ҳажм камаяди ёки ортади. Натижада мос равишда белгиланган товарнинг улуши ортади ёки қисқаради.

Бу каби ўзгаришлар мамлакатнинг импорти ҳамда экспортининг товар ва географик таркибида кузатилиши мумкин. Географик таркибида ўзгаришлар мамлакатлар ёки минтақалар улушининг ўзгариши билан содир бўлади.

Ташқи савдонинг товар ва географик таркибини ўрганишда диверсификация тушунчасини ҳам билиш талаб этилади. Диверсификация

сўзи лотин тилидан (diversus-турли ва facere-қилмоқ) олинган бўлиб, биринчи навбатда ишлаб чиқаришнинг хилма-хиллигини англатади. Диверсификация атамаси иқтисодиётнинг турли соҳаларида турлича маъно англатсада, асосан “тухумларни бир саватчада сақламаслик” деган тамойилни билдиради. Ташқи савдо айланмаси диверсификациясига ўзбек иқтисодчи олимлари экспорт ва импортнинг товар номенклатурасини ва ҳамкор давлатлар сонининг кенгайтирилиши дея таъриф берадилар⁷. Бундан чиқди, ташқи савдода ҳам диверсификация жараёнлари амалга ошади ва унинг қай даражада экани қуйидаги кўрсаткичларда намоён бўлади:

- Мамлакат ташқи савдосининг географик таркиби, яъни экспорт ва импорт муносабатларида алоҳида давлатларнинг улуши;
- Ташқи савдода иқтисодиёт тармоқларининг улушлари нисбатида;
- Мамлакатнинг экспортга йўналтирилган тармоқлари томонидан ишлаб чиқарилаётган товар турлари миқдори.⁸

Ташқи савдо, хусусан экспортни диверсификациялаш даромадлар барқарорлиги таъминланиши, экспортдан келаётган фойда ҳажмини кўпайиши ва иқтисодий ўсишни таъминлайди. Экспорт диверсификацияси экспорт қилинаётган товар ва хизматлар турларини ҳамда улар етказиб берилаётган мамлакатлар сонини кўпайтириш жараёнини англатади.⁹ Бундан ташқари экспорт диверсификациясига қуйидагича таъриф ҳам берилган: “Экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни иқтисодиёт тармоқлари бўйича бир меъёрда тарқатиб юборилиши – бу экспорт диверсификацияси.”¹⁰ Бу таърифга кўра экспортнинг диверсификациялашув даражасини экспортга йўналтирилган тармоқларнинг кўп бўлиши ва уларнинг умумий экспортдаги улуши кўрсаткичлари аниқлаб беради. Диверсификациялашув даражасининг

⁷Жалолов Ж.Ж., Аҳмедов И.А., Акрамов Т.А., Нематов И.У. Ташқи иқтисодий фаолият асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. – 176 б.

⁸НельсонКаманьодаКостаНетоиРафаельРомеу. “Смягчает ли диверсификация экспортпоследствия глобального финансового кризиса?”,Международный валютный фонд. -2011 -4 с.

⁹ Ali, Alwang and Siegel, (1991): “ Is export Diversification the best way to achieve export growth and Stability ? A look at three African Countries” World Bank Working Papers No. 729, 1991

¹⁰Berthelemy J.C. and Chauvin S. (2000): “ Structural Changes in Asia andGrowth prospects after the crisis” CEPII Working papers ,No. 00-09, 2000

паст бўлиши, яъни мамлакатнинг ташқи савдосида бир гуруҳ товарлар ёки мамлакат улушининг юқори бўлиши миллий иқтисодиётга бир қатор муаммолар келтириб чиқаради.

Мамлакат экспортида бир гуруҳ товарларнинг катта улушга эга бўлиши ушбу товарларга бўлган нархлар ўзгариши ва мамлакат даромади ўртасидаги боғлиқлик кучли эканини билдиради. Натижада жаҳон бозорида мазкур товарларга бўлган талаб ва нархларнинг ўзгариши миллий иқтисодиётни қутилмаган танг аҳволга солиб қўйиши мумкин. Экспортнинг географик таркибида ҳам бир мамлакат ёки минтақа улушининг ортиб кетиши миллий иқтисодиётнинг боғлиқлик даражасини ошириб юборади.

Мамлакат ташқи савдосининг қай даражада диверсификациялашганини аниқлашда Хиршман индекси кенг қўлланилади:

$$H_1 = \sqrt{\sum_{i=1}^N \left[\frac{x_i}{X}\right]^2}$$

Бу ерда x_i – i тармоқдан келган даромад ёки i тармоқнинг экспорти ҳажми.

X эса корхонанинг умумий даромади миқдори ёки умумий экспорт ҳажми. H_1 қанчалик катта бўлса, диверсификациялашув даражаси шунчалик паст бўлади.

Ушбу формула микро даражада корхона фаолиятининг диверсификациялашганлик даражасини аниқлаш учун ишлатилса, макро даражада мамлакат ташқи савдоси, хусусан, экспорт таркибини ўрганишда ҳам қўлланилиши мумкин.

Ташқи савдо таркибини тадқиқ этишда ЯИМ ва унинг ўсиш суръатларини ҳам ўрганиш лозим. Бунда ўрганилаётган мамлакат билан бир қаторда асосий савдо ҳамкорларининг ЯИМларини ўрганиш тадқиқотнинг сифатини оширади. ЯИМ ва ташқи савдо таркиби ўртасидаги боғлиқлик шундан иборатки, мамлакатнинг ЯИМ ҳажми ўсиши, бошқа омиллар

ўзгаришсиз сақланганлик шарти билан, унинг экспорт салоҳиятини ортишини, экспорт имкониятларининг кенгайишини билдиради. ЯИМнинг қисқариши билан эса мамлакатнинг импорт қилишга бўлган мойиллиги ортади. Ҳамкор мамлакатлар ЯИМи ҳажмининг ўзгариши ҳам юқоридаги каби ўзгаришлар ҳисобига мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатларининг ҳажми ва хусусиятларига мос равишда ўз таъсирини кўрсатади.

Шу билан бирга мамлакат ташқи савдоси айланмасининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари ташқи савдо хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Экспорт ва импортнинг ўтган йилга нисбатан индекслари мамлакат ташқи савдо тенденцияларини кўриш, хусусиятлари ва қонуниятларни аниқлаш имкониятларини беради.

Юқоридаги кўрсаткичлар миллий иқтисодиёт ва ташқи савдонинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаб беради, лекин миллий иқтисодиётнинг халқаро савдодаги улуши ҳақида маълумот бермайди. Халқаро савдода миллий иқтисодиётнинг роли, мамлакатнинг иштироки даражасини кўриш учун мамлакат ташқи савдо кўрсаткичларининг халқаро савдо кўрсаткичларига нисбатани кўриш лозим.

Мамлакат ташқи савдосининг таркиби ва халқаро савдо ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи кўрсаткичлардан бири мамлакатнинг халқаро ихтисослашув коэффиценти ҳисобланади. Уни ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K = \frac{T^C}{T^J}$$

Бу ерда: K – мамлакатнинг халқаро ихтисослашув коэффиценти.

T^C – алоҳида олинган товарнинг халқаро экспортида мамлакатнинг улуши.

T^J – жаҳон экспортида мамлакатнинг улуши.

Халқаро ихтисослашув коэффициентини ҳисоблашнинг иккинчи усули ҳам мавжуд. У қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$K = \frac{X}{Y}$$

Бу ерда: К – халқаро ихтисослашув коэффициенти.

Х – белгиланган товарнинг мамлакат экспортидаги улуши.

У – белгиланган товар экспортининг жаҳон экспортидаги улуши.

Ташқи савдонинг ўсиш суъратлари, ҳажми ва таркибий тузилишини ифодаловчи бу кўрсаткичларни ўрганиш ва таҳлил этиш мамлакатларга хос бўлган хусусиятларни аниқлашга ёрдам бериши билан бирга муаммоларни аниқлаш ҳамда такомиллаштириш лозим бўлган йўналишларни топишда кенг фойдаланилади. Шу жиҳатдан ушбу кўрсаткичларнинг аҳамияти юқори ҳисобланади.

1-боб бўйича хулосалар

Ташқи савдонинг миллий иқтисодиёт ривожланишидаги аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда уни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш эҳтиёжи юқори бўлган. Классик иқтисодчилар мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларини ташкил этишда сарфланган вақт ва ишчи кучи ҳажмига эътибор қаратган бўлсалар, кейинчалик капитал ва бошқа ресурсларнинг таъсири ҳам инобатга олина бошлади.

Халқаро савдонинг хусусиятлари ўзгариши билан классик назарияларга асосланган ҳолда янги назариялар ишлаб чиқилди. Жумладан, Адам Смит ва Давид Рикардо устунлик назариялари асосида яратилган Олин-Хекшер модели. Лекин савдонинг географик ва товар таркибидаги ўзгаришларни тушунтириб беришда бу назариялар ўзини оқламади. Натижада янги йўналиш вужудга келди ва Пол Кругман томонидан бир турдаги маҳсулотлар савдосини тушунтириб берувчи янги назария ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган назариялар ривожланишга мос равишда мукамаллаштирилди,

янги назариялар пайдо бўлди ва халқаро савдонинг ривожланиши билан бу йўналишдаги ишлар яна давом этиб боради.

Халқаро савдо хусусиятлари эса жаҳон хўжалигида юз бераётган жараёнлар таъсирида янгича кўриниш касб этиб бормоқда. Унинг ўсиш суратларидаги жадаллик, географик таркибида улушлар нисбатининг ўзгариши ва янги минтақалар ролининг ортиб бориши кузатилмоқда. Халқаро савдонинг товар таркибида ҳам тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улуши ортмоқда, натижада халқаро савдо минтакавий хусусиятлар намоён қилмоқда. Бундан халқаро савдонинг товар ва географик таркиби ўртасидаги бевосита боғлиқликни келтириб чиқариш мумкин.

Халқаро савдо ва унинг таркибий хусусиятларини тадқиқ этишда халқаро савдонинг ўсиш суъратлари, ҳажми ва таркибий тузилишини ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичлар билан танишиб чиқиш ва уларни ўрганиш, асосий тенденцияларни ажратиб олиш лозим. Мазкур кўрсаткичларнинг ҳар томонлама таҳлили эса халқаро савдо ривожланишига таъсир этувчи омилларни аниқлашга ҳам ёрдам беради.

II БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ТАШҚИ САВДОСИНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдоси динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар

Бугунги кунда мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминловчи омиллардан бири сифатида ташқи иқтисодий алоқалар, хусусан, ташқи савдонинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби сифатида жаҳон хўжалиги тизимида глобаллашув жараёнлари, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг кенгайиб бораётгани кўрсатилиши мумкин. Шу жиҳатдан мамлакатларда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналиши сифатида ташқи савдога катта эътибор қаратилмоқда. Марказий Осиё мамлакатларида ҳам, таъкидланганидек, ташқи савдо муносабатларини ривожлантириш ҳамда самарали йўлга қўйиш масалалари ўз долзарблигини мустақилликнинг илк йилларидан бери сақлаб келмоқда. Бунинг сабаби мустақилликнинг илк йилларидан ташқи савдонинг аҳамияти юқори бўлган. Биринчидан, Собиқ Иттифоқ даврида мамлакатларнинг ихтисослашуви натижасида ишлаб чиқаришнинг маълум бир йўналиши шаклланган. Мустақилликка эришилгач ички эҳтиёжларни таъминлаш учун бу тармоқларнинг ўзи камлик қилган. Истеъмолнинг асосий қисми импорт маҳсулотлари эвазига қондирилган. Иккинчидан, мамлакатларда иқтисодиётни ривожлантириш, таркибий ислохотларни молиялаштиришда ташқи савдо даромадларидан кенг фойдаланилган. Учинчидан, мустақиллик йилларида олиб борилган таркибий ислохотлар ва модернизациялаш жараёнларининг моддий-техник базаси ҳисобланган замонавий техника ва технологияларга бўлган талаб халқаро савдо ҳисобига қондирилган.

Сўнгги йилларда ҳам минтақада ташқи савдо муносабатлари давлатларнинг макроиқтисодий, савдо ва иқтисодий-таркибий сиёсати, жаҳон бозоридаги таркибий ва товар нархларида кузатилган ўзгаришлар натижасида ривожланиб келди. Марказий Осиёнинг барча мамлакатларида ташқи савдо айланмаси ҳажми ўсганини жадвалдан кўришимиз мумкин (2.1.1- жадвал).

2.1.1-жадвал.

Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдо айланмаси динамикаси (млн. АҚШ доллари)

Мамлакатлар	2010 й	2011 й	2012 й	2013 й	2013 йилда 2010 йилга нисбатан (фоизларда)
Қозоғистон	91400,0	121200,0	132800,0	133500,0	1,460613
Туркменистон	17882,8	28111,8	34124,8	34944,2	1,954068
Ўзбекистон	22199,0	25537,1	26286,5	28894,8	1,301626
Кирғизистон	4978,7	6503,4	7503,9	7993,8	1,6056
Тожикистон	4455,0	5075,6	5792,7	5869,9	1,317598
Марказий Осиё	140915,5	186427,9	206507,9	211202,7	1,460613


Манба: Мамлакатлар статистика хизматлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

Ўрганилаётган давр оралиғида ташқи савдо айланмаси 2010-2011 йилларда энг юқори ўсиш суръатларини кўрсатди. Бу кўрсаткич Туркменистон учун 157,2 фоизни ташкил этган бўлиб, гуруҳда энг баланд кўрсаткич бўлди. Қозоғистонда ўсиш 132,6 фоизни ташкил этди, лекин мамлакат ташқи савдо айланмаси ҳажми 2010-2011 йилда 29,8 млрд. АҚШ долларига кўпайган бўлиб, Туркменистонда бу кўрсаткич 10,2 млрд. АҚШ долларига тенг. Дастлабки йилда энг кичик ўсиш суръатлари Тожикистонда кузатилган бўлиб, 113,9 фоизни, ёки 0,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 3,3 млрд. АҚШ долларига ортган, ўсиш суръатлари 115,0 фоизни ташкил этган. Марказий Осиё учун ўсиш 132,3

фоизни ташкил этган бўлиб, ташқи савдо айланмаси ҳажми 45,5 млрд. АҚШ долларига кўпайган.

Ўсиш суръатларида 2011-2012 йилларда кескин пасайиш кузатилди. Минтақа бўйича бу кўрсаткич 110,8 фоизни ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда 102,9 фоизга тушиб кетди. Энг юқори ўсиш Туркменистонда 121,4 фоизни ташкил этди. Минтақа мамлакатлари умумий ташқи савдо айланмасининг қўшимча ўсиши олдинги йилдаги 45,5 млрд. АҚШ долларига нисбатан тенг баробар камайди ва 20,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Паст ўсиш суръатлари 2012-2013 йилларда ҳам сақланиб қолди. Бу йилларда энг юқори ўсиш даражаси Ўзбекистонда эришилди ва бу кўрсаткич 109,9 фоизни ташкил этди. Қирғизистон ва Туркменистон ташқи савдо айланмасида мос равишда 106,5 ва 102,4 фоиз ўсиш кузатилди. Ташқи савдода деярли ўзгариш кузатилмаган мамлакатлар Тожикистон ва Қозоғистон бўлиб, мамлакат ташқи савдо айланмаси мос равишда 77,2 ва 700 млн. АҚШ долларга ошган.




2.1.1-расм. Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдосида мамлакатлар улуши

Манба: Мамлакатлар статистика хизматлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи савдо айланмаси 2010-2013 йилларда 1,5 марта кўпайган. Алоҳида мамлакатларда бу кўрсаткич фарк қилади. Туркменистон ташқи савдо айланмаси ҳажми икки мартага ошган бўлса, Ўзбекистон ва Тожикистонда бу кўрсаткич 1,3 мартани ташкил этди. Қозоғистон ва Қирғизистонда эса ўсиш умумий кўрсаткичга яқин, яъни ташқи савдо айланмаси мос равишда 1,46 ва 1,6 мартага кўпайган.

Жадвал таҳлилидан яна бир муҳим хулосани келтириб чиқариш мумкин. Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдосида Қозоғистоннинг улуши юқори эканлиги натижасида мамлакатдаги ўзгаришларнинг минтақа кўрсаткичларига кучли таъсир этади (2.1.1-расм).


Расмдан минтақа мамлакатлари ташқи савдосида Қозоғистоннинг улуши баланди эканлиги яққол акс этган. Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси давр бошида 15,8 фоиз улуши билан иккинчи ўринда эди. Лекин Туркменистон ташқи савдосининг юқори суръатларда ўсиши натижасида 2011 йилда Ўзбекистоннинг улуши 13,7 фоизга тушди ва Туркменистон 15,1 фоиз билан иккинчи ўринга кўтарилди. Қозоғистоннинг минтақа экспортидаги улуши янада юқорироқ эканини ҳам таъкидлаш лозим. (2.1.2-расм)



2.1.2.-расм. Марказий Осиё мамлакатлари экспортида мамлакатлар улуши

Манба: Мамлакатлар статистика хизматлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

Қозоғистоннинг минтақа экспортидаги улуши бу даражада юқори экани мамлакат экспортининг импортига нисбатан юқори суръатларда ўсиши билан изоҳланади. Туркменистоннинг улуши давр оралиғида 4 фоизга ўсган ва 2013 йилда 15 фоизни ташкил этган. Ўзбекистоннинг минтақа экспортидаги ҳиссаси 2010 йилда 15 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб 12 фоизга тушган. Қирғизистон ва Тожикистон учун бу кўрсаткич мос равишда 2 ва 1 фоизни ташкил этиб, уларнинг экспорти ҳажми кичиклиги, мамлакатда импорт юқори экани билан тушунтирилади. Ушбу икки мамлакатнинг минтақа импорти ҳажмидаги улуши 2013 йилда мос равишда 7 ва 5 фоизни ташкил этган. Қозоғистоннинг импортдаги улуши 55 фоизга тенг бўлди. Бу эса экспортдаги улушидан 15 бирликка кам.(2.1.3-расм)



2.1.3-расм. Марказий Осиё мамлакатлари импортида мамлакатлар улуши

Манба: Мамлакатлар статистика хизматлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

Расмдан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистоннинг улуши 2013 йилда 15 фоизга тенг бўлиб, 2010 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 2 бирликка камайган. Туркменистоннинг улуши эса 2010 йилда 15 фоизни ташкил этган, давр охирига келиб эса 18 фоизгача кўтарилган. Бундай таркибий ўзгаришларга

мамлакатларнинг экспорт ва импорт ҳажми ўсиш суръатларида мавжуд тафовутлар сабаб бўлди.

Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий хусусиятлари турлича эканлиги ва ундаги иқтисодий сиёсат йўналишларининг фарқ қилиши натижасида 2010-2013 йилларда экспорт ва импорт ҳажмининг ўзгариши ҳам турлича кечган. Марказий Осиёнинг умумий экспорти 2010-2013 йилларда 141,5 фоизга ўсган ва унинг ҳажми 122,2 млрд АҚШ доллариға тенг бўлди. Энг юқори ўсиш Туркменистонда кузатилган бўлиб, 194,8 фоизни ташкил этган. Қозоғистон экспорти 140,5 фоизга ўсди. Ўзбекистон ва Қирғизистон экспорти эса мазкур йиллар оралиғида мос равишда 115,9 ва 114,3 фоиз ўсишга эришган. Биргина Тожикистон экспортида 2010-2013 йилларда 4,4 фоизга қисқариш кузатилди. Тожикистон экспортида 2010-2012 йилларда ўртача 7,5 фоиз йиллик ўсиш кузатилди, лекин сўнгги йилда 17,4 фоизга қисқарди.(2.1.2-жадвал)

2.1.2-жадвал

Марказий Осиё мамлакатлари экспорти ва импорти динамикаси (млн. АҚШ доллари)

Йиллар		Қозоғистон	Туркменистон	Ўзбекистон	Қирғизистон	Тожикистон	Марказий Осиё
2010	экспорт	60300	9679,2	13023,2	1755,9	1595,9	86354,2
	импорт	31100	8203,6	9175,8	3222,8	2859,1	54561,3
2011	экспорт	84300	16751	15027,2	2242,2	1717	120037,4
	импорт	36900	11360,8	10509,9	4261,2	3358,6	66390,5
2012	экспорт	86400	19986,6	14258,8	1927,6	1847,3	124420,3
	импорт	46400	14138,2	12027,7	5576,3	3945,4	82087,6
2013	экспорт	84700	18854,2	15087,4	2006,8	1525,2	122173,6
	импорт	48800	16090	13807,4	5987	4344,7	89029,1
2013 йилда 2010 йилга нисбатан	экспорт	140%	195%	116%	114%	96%	141%
	импорт	157%	196%	150%	186%	152%	163%

Манба: Мамлакатлар статистика хизматлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Жадвал маълумотларидан таҳлил этилаётган даврда мамлакатлар импортида ҳам сезиларли даражада ўзгаришлар бўлганини кўриш мумкин. Умумий минтақанинг экспорти 163,2 фоизга ўсган. Натижада минтақа ташқи савдосида экспорт ва импортнинг нисбати мос равишда 2010 йилдаги 61 ва 39 дан 2013 йилда 58 ва 42 ўзгарган. Уч мамлакатда шу каби ўзгаришларни кузатиш мумкин. Импорти 1,5 мартага ўсган Ўзбекистонда импортнинг улуши 6 фоизга кўпайган ва ташқи савдо айланмасининг 47,8 фоизини ташкил этмоқда. Қирғизистон ва Тожикистонда эса импортнинг улуши 2010-2013 йилларда 64 фоиздан 74 фоизга кўтарилди. Туркменистон ва Қозоғистонда импортнинг ўсиш даражаси экспорт ўсишига мос равишда кечди ва ташқи савдо айланмасида экспорт ва импорт нисбатида кескин ўзгаришлар кузатилмади. Тожикистон ва Қирғизистон ташқи савдосида импортнинг улуши кўп бўлиши ва ташқи савдо баланси манфий сальдога эга эканлиги минтақа савдо балансига жиддий таъсир этмайди. Бу ҳолат икки мамлакатнинг минтақа ташқи савдосидаги улушининг камлиги билан изоҳланади. Минтақа ташқи савдосининг ижобий сальдоси 33,1 млрд АҚШ долларига тенг.

Минтақада ташқи савдонинг бу йўналишларда ривожланишида табиий ва сиёсий омилларнинг, шу билан бирга жаҳон бозоридаги талаб хусусиятлари ва нарх ўзгаришининг таъсирини таҳлил этиш лозим. Ушбу мамлакатларнинг географик жиҳатдан қулай жойлашганлиги, яъни йирик иқтисодий минтақаларни боғловчи қуруқлик ва ҳаво транспорт коридорлари кесишмасида туриши халқаро савдода иштирок этишида бир қатор устунликлар яратиши мумкин. Айниқса, жаҳон ҳўжалигининг географик ва минтақавий хусусиятлари янгича кўриниш касб этаётгани ҳисобга олинса, иқтисодий жиҳатдан ривожланаётган йирик мамлакатлар – Хитой, Ҳиндистон ва Россияга ҳудудий яқинлиги мамлакатларнинг халқаро савдодаги иштирокига жиддий таъсир кўрсатади. Биринчидан, Жануби-Шарқий Осиё кўп сонли аҳолиси билан йирик сиғимга эга бўлган бозор

сифатида Марказий Осиё мамлакатлари учун ташқи савдо ҳамкорлари мисолида олинishi мумкин. Лекин икки минтақанинг иқтисодий шароити, ишлаб чиқаришни ташкил этиш хусусиятлари таққосланса, Жануби-Шарқий Осиёнинг иқтисодий ривожланаётган мамлакатлари Марказий Осиё бозорларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга жиддий рақобатчи ҳисобланади.

Марказий Осиё мамлакатларида иқтисодиётнинг ривожланиши таъминланди, буни ЯИМнинг ўсишидан ҳам кўриш мумкин. Бу эса мамлакатнинг экспорт имконияти ортиши билан бир қаторда мамлакатда талабнинг ҳам ортганини билдиради. Натижада экспорт имкониятлари билан бир қаторда импорт қилишга бўлган мойиллик ҳам кўтарилди.

Мамлакатлар экспортига ижобий таъсир кўрсатган омил сифатида жаҳон бозорида хом-ашё ва ёқилғи-энергетика маҳсулотларига бўлган нархнинг кўтарилганини олиш мумкин. Чунки Марказий Осиё мамлакатлари экспортида бу турдаги маҳсулотларнинг улуши юқори эканини кўриш мумкин. Мустақилликдан кейин бир неча бор амалга оширилган миллий валюта девальвацияси мамлакатларнинг экспорти ривожланишига ижобий таъсир этди. Бу амалиёт маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигига ижобий таъсир кўрсатди. Ташқи савдонинг ривожланишига минтақанинг асосий савдо ҳамкор мамлакатлари иқтисодиётининг ривожланганлиги ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Лекин мамлакатларда инфляциянинг кўтарилиши ва миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан қийматининг пасайиши кузатилди. Бу эса маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ва ички бозорда нарх рақобатбардошлигини пасайишига сабаб бўлди. Минтақанинг халқаро савдода иштирокига салбий таъсир этувчи яна бир қатор омилларни ҳам кўриб ўтиш лозим:

- мамлакатларнинг денгиз портларига чиқиш имкониятлари чекланганлиги;

- минтақа аҳолиси сонининг озлиги, бунинг натижасида бозор сиғимининг нисбатан кичик эканлиги;

- йирик иқтисодий марказлардан узоқда жойлашганлиги ва товарларни бозорларга етказиб беришда харажатларининг кўпайиб кетиши. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳоннинг катта бозорларидаги иштироки чекланганлиги натижасида корхоналарнинг ҳажми кенгаймайди. Натижада ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланилмайди, кўлам самарасининг иқтисодий ютуқлари бой берилади.

- мамлакатларда иқтисодий инфратузилманинг халқаро савдо самарадорлик даражасини ортишига хизмат қилувчи, жаҳон стандартлари даражасида ривожланмаганлиги.

Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдосининг ривожланишида юқорида келтирилган омиллар қай даражада таъсир этганилиги ташқи савдонинг таркибий таҳлилида аниқ кўринади. Мамлакатлар ташқи савдосида товар ва товарлар гуруҳининг улуши, шу билан бирга ҳамкор мамлакатлар географиясини ўрганиш ташқи савдони ривожлантиришда нималарга эътибор қаратилиши лозимлигини кўрсатиб беради.

2.2. Минтақа мамлакатлари ташқи савдосининг товар таркибидаги ўзгаришлар

Ташқи савдонинг товар таркиби мамлакат иқтисодий ривожланганлик даражасини белгилаб берувчи кўрсаткичлардан ҳисобланади. Ташқи савдонинг товар таркиби иқтисодиёт тармоқларининг мувозанатли ривожланганлигини билдиради. Бу эса мамлакатда даромадларнинг қайта тақсимланишига ижобий таъсир кўрсатиб, аҳоли турмуш фаровонлигини оширади.

Марказий Осиё мамлакатларининг табиий ресурсларга бойлиги минтақа ташқи савдосининг таркибий хусусиятларига таъсир этувчи асосий

омил ҳисобланади. Минтақа мамлакатлари экспорти таркибида буни аниқ кўришимиз мумкин. Ёқилғи-энергетика ресурсларининг ташқи савдодаги улуши юқори бўлиб, бу ҳолат Қозоғистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг бу тур ресурс захиралари катта экани билан изоҳланади. Жумладан, Қозоғистон нефть ва газ конденсатининг қидириб топилган захиралари бўйича жаҳонда 12-ўринни эгаллайди. Бугунги кунда нефтнинг тасдиқланган захиралари 3 млрд тоннани ташкил этади. Башорат қилинган захиралар ҳажми эса бундан тўрт марта катта, яъни 12 млрд тонна баҳоланмоқда. Шу билан бирга Қозоғистонда бошқа турдаги минерал-хом ашё ресурсларининг ҳам улкан захиралари аниқланган. Мамлакат кўмирнинг умумий захиралари бўйича жаҳонда олтинчи ўринни эгаллайди, ураннынг исботланган захиралари бўйича эса иккинчи мамлакат ҳисобланади. Жаҳон уран захираларининг қарийб 20 фоизи Қозоғистонда жойлашган¹¹. Шунингдек, Қозоғистонда темир рудаси, кўрғошин-никель рудалари, рух рудалари, бокситнинг йирик захиралари мавжуд. Фойдали қазилмаларнинг катта қисми 50-100 йилга етадиган захираларга эга. Шу сабабли Қозоғистон экспортида хом-ашё маҳсулотларининг улуши жуда юқори бўлиб, 2013 йилда мамлакат умумий экспортнинг 76,8 фоизини ташкил этади.

Қайта ишланган маҳсулотлар экспорти 2012 йилга нисбатан 8 фоизга қисқарди ва унинг ҳажми 19,6 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди. Натижада умумий экспортдаги улуши 2012 йилдаги 24,7 фоиздан 2013 йилда 23,2 фоизга тушди. Қайта ишланган маҳсулотлар экспортидаги бу қисқаришнинг сабаби бу гуруҳдаги асосий товар ҳисобланган металл ва ундан тайёрланган маҳсулотларга бўлган талабнинг барқарор эмаслиги ҳамда асосий ҳамкор мамлакатлар Хитой ва АҚШ иқтисодиётининг ўсиш суръатларини пасайгани, Европа Иттифоқида давом этаётган молиявий-иқтисодий муаммолар ҳисобланади.

¹¹Медведев Р. Казахстанский прорыв. /Р.Медведев. – М.: Институт экономических стратегий, 2007. – с.72

Таҳлил этилаётган даврда мамлакат экспорти 140,5 фоизга ўсган бўлса, хом ашё маҳсулотлари экспорти 149,6 фоизга кўпайган. Қайта ишланган маҳсулотлар экспортида ўсиш сўнгги тўрт йилда 116,9 фоизни ташкил этган. Хом ашё маҳсулотлари экспортининг юқори суръатларда ўсиши икки сабаб билан изоҳланади.

2.2.1-жадвал

Қозоғистон ташқи савдосининг товар таркиби (млрд. АҚШ доллари)


	2010		2011		2012		2013	
	экс.	имп.	экс.	имп.	экс.	имп.	экс.	имп.
Ташқи савдо айланмаси хажми	60,3	31,1	84,3	36,9	86,4	46,4	84,7	48,8
Хом-ашё улуши (фоизларда)	72,1	11,9	76	12	75,3	10	76,8	10,6
Қайта ишланган маҳсулотлар (фоизларда)	27,9	88,1	24	88	24,7	90	23,2	89,4

Манба: “Анализ тенденций мировой торговли и внешней торговли Казахстана”, Министерство по инвестициям и развитию Республики Казахстан, 2014 г.

Биринчидан, мамлакатда нефт қазиб чиқариш йиллар давомида кенгайтириб келинмоқда. Иккинчидан, жаҳон бозорида нархнинг ортиши 2012 йилга қадар мамлакат экспорти ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Ёқилғи-энергетика маҳсулотларининг экспортдаги улуши жуда юқори бўлгани сабабли бу ўзгаришлар умумий экспорт ҳажмига кучли таъсир этади. (2.4-расм) Экспортнинг товар таркибида металл ва металлдан тайёрланган маҳсулотларнинг улуши ҳам юқори эканини кўриш мумкин. Металл, металлдан тайёрланган маҳсулотлар, кимё саноати маҳсулотлари мамлакат экспортининг оралиқ товарлари асосини ташкил этади¹². Қозоғистон экспортида машина ва асбоб-ускуналар экспортининг улуши атиги 1,5

¹² “Анализ тенденций мировой торговли и внешней торговли Казахстана”, Министерство по инвестициям и развитию Республики Казахстан, 2014 г.

фоизни ташкил этиши иқтисодиётнинг таркибий ривожланиш даражаси паст эканининг натижаси ҳисобланади.




2.2.1-расм. Қозоғистон экспортининг товар таркиби. (фоизларда, 2013 йил)

Манба: Казахстан в цифрах. – Астана, 2014. – С.23.

Мамлакат импортининг таркибида эса бу гуруҳ товарларининг улуши юқори. Таҳлил этилаётган даврда мамлакатнинг импортида бу гуруҳ товарларининг улуши ўзгаришсиз деярли ўзгаришсиз сақланган ва 2013 йилда бу кўрсаткич 40,0 фоизни ташкил этди.

Мамлакат импортининг товар таркиби 2010-2013 йилларда деярли ўзгаришсиз сақланиб қолди. Истеъмол товарлари, кимё саноати маҳсулотлари ҳамда ёқилғи-энергетика маҳсулотлари импортининг улушларида қисқариш кузатилди. Металл ва металлдан тайёрланган маҳсулотлар улуши 3 фоизга ошган бўлиб, бу импорт таркибидаги энг баланд силжиш ҳисобланади.



2.2.2-расм. Қозоғистон импортининг товар таркиби (умумий импортдан фоиз ҳисобида)


Манба: Казахстан в цифрах. – Астана, 2014. – С.23.

Қозоғистон ташқи савдосининг таркибий хусусиятлари Туркменистон ташқи савдосида ҳам кузатилади. Мамлакат табиий газ захиралари бўйича дунёда бешинчи ўринда туради. Нефт захираларига ҳам бой ҳисобланади. Шу сабабли мамлакат экспортининг 82 фоизи ёқилғи-энергетика маҳсулотлари улушига тўғри келади. Жумладан, умумий экспортда табиий газ улуши – 52,9 фоизни, ҳом нефт – 10,8 фоизни, нефт маҳсулотлари – 20,5 фоизни ташкил этади. Мамлакат импортининг таркибида ҳам минтақа мамлакатларининг хусусияти кўринади. Умумий импортда машина ва асбоб-ускуналар, транспорт воситаларининг улуши юқори бўлиб, тахминан 38 фоизни ташкил этади. Иккинчи ўринда эса 20 фоиз улуш билан металл ва ундан тайёрланган буюмлар туради.¹³ Кимё саноати маҳсулотларининг умумий импортдаги улуши эса 6,6 фоизга тенг.

Ўзбекистоннинг табиий ресурслар захираси ҳам мамлакат учун катта имкониятлар беради. Мамлакат табиий газ захиралари бўйича жаҳонда 14-ўринни, уран захиралари бўйича 10-ўринни эгаллайди. Мамлакатда дунё олтин захирасининг 5,0 фоизи аниқланган бўлиб, бу кўрсаткич бўйича дунёда

¹³ “Туркменистон статистик йилномаси.”, Туркменистон давлат статистика қўмитаси. Ашхабад, -2011 й.

тўртинчи ўринда туради. Мамлакатнинг қулай иқлим шароити ҳам унинг экспорт салоҳиятига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.



2.2.3-расм. Ўзбекистон экспортининг товар таркиби (фоизларда)


Манба: Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Мамлакат экспортида 2010-2013 йилларда икки гуруҳнинг улуши сезиларли даражада ортганини кўриш мумкин. Энергия манбаалари ва нефт маҳсулотларининг улуши 2010 йилда 22 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич тахминан 31 фоизга етди. Хизматлар экспортининг улуши ҳам 6,3 бирликка кўтарилди ва 2013 йилда гуруҳнинг улуши 16,2 фоизга тенг бўлди.

Таҳлил этилаётган даврда уч гуруҳ товарларнинг улуши ўзгаришсиз қолганини айтишимиз мумкин. Машина ва асбоб-усканаларнинг 2013 йилдаги экспортининг умумий экспорти ҳажмида улуши 5,5 фоизни ташкил этди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва металллар гуруҳининг улуши ҳам мос равишда 9,8 ва 6,3 фоизни ташкил қилди, давр оралиғида деярли бирдек сақланди.

Пахта толаси экспортдан тушумларнинг улуши 2010-2013 йилларда тахминан уч бирликка пасайди ва 2013 йилда 7,7 фоизни ташкил этди. Бу таҳлил этилаётган давр учун энг йирик пасайиш бўлди. Кимё саноати

маҳсулотларининг экспортдаги улуши 0,5 фоизга қисқарди ва 2013 йилда 4 фоизни ташкил этди.




2.2.4-расм. Ўзбекистон импортининг товар таркиби (фоизларда)

Манба: Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Ўрганилаётган даврда мамлакат импортининг таркибий тузилиши, унда товар гуруҳларининг улуши деярли ўзгаришсиз сақланганини айтиш мумкин. Мамлакат импорти таркибида машина ва асбоб-ускуналар импортининг улуши жуда катта эканини кўриш мумкин. 2013 йилда унинг улуши 44,1 фоизни ташкил этган бўлиб, иккинчи йирик гуруҳ кўрсаткичидан уч мартага катта. Кимё саноати маҳсулотлари улуши 14,3 фоизга тенг.

Марказий Осиё мамлакатларидан Қирғизистон ва Тожикистонда экспорт ҳажмининг импорт ҳажмидан кичик экани кўриш мумкин. Ёқилғи-энергетика ресурслари заҳирасига бой эмаслиги сабабли экспортнинг товар таркиби ҳам ушбу мамлакатларда фарқ қилади. Лекин Қирғизистон жаҳонда симоб заҳиралари бўйича 3-ўринни эгаллайди. Мамлакат ҳудудида жаҳон симоб заҳираларининг 5-20 фоизи аниқланган. Мамлакат экспортида ҳам металл ва қимматбаҳо тошлар экспортининг улуши юқори эканини кўриш мумкин. Умумий экспортнинг 36 фоизи ушбу товарлар гуруҳига тўғри келади. Ўрганилаётган даврда мамлакат экспортининг товар таркибида жиддий ўзгаришлар кузатилмаган. Таркибий ўзгаришлардан бири истеъмол

товарлари ва минераллар гуруҳининг улуши ўзгарган. Натижада истеъмол товарлари экспорт таркибида иккинчи йирик гуруҳга айланган.




2.2.5-расм. Қирғизистон экспортининг товар таркиби (фоизларда)

Манба: Внешняя торговля Кыргызской Республики 2009-2013. – Бишкек, 2014. – С.14.

Текстил маҳсулотлари улуши деярли ўзгаришсиз сақланган. Машина ва транспорт воситалари, уларнинг бутловчи қисмлари экспортида ҳам ўсиш кузатилган. Мамлакат бу турдаги маҳсулотларни қайта экспорт қилишини ҳисобга олсак, импорт таркибида ҳам бу гуруҳ улушини ортиши табиий. Қуйидаги 2.2.6-расмдан кўришимиз мумкинки, мамлакат импортида икки гуруҳнинг улуши сезиларли даражада юқори. Булар:

- Минерал-хом ашё маҳсулотлари. Ушбу ҳолат мамлакатнинг табиий-хом ашё салоҳияти билан изоҳланади.
- Машина, асбоб-ускуна ва транспорт воситалари, ҳамда уларнинг қисмлари. Ушбу гуруҳнинг улуши бу қадар юқори бўлишига мамлакат иқтисодиётининг таркибий хусусиятлари таъсир кўрсатади.



2.2.6-расм. Қирғизистон импортининг товар таркиби (фоизларда)


Манба: Внешняя торговля Кыргызской Республики 2009-2013. – Бишкек, 2014. –

С.15.

Экспорт таркибида энг катта улушга эга қимматбаҳо тош ва металллар гуруҳининг импортдаги улуши 2010 йилда 0,1 фоизга тенг бўлган. Унинг қийматдаги ҳажми 2013 йилга қадар 14 мартага кўпайди, натижада умумий импортдаги улуши 0,6 фоизни ташкил этди. Қолган товар гуруҳларининг импортдаги улушида жиддий ўзгаришлар кузатилмади.

Тожикистон экспортининг товар таркибида ҳам минтақа мамлакатларида кузатилганидек, табиий ресурсларнинг кучли таъсирини кўриш мумкин. Мамлакат металл рудалари захираларига бой ҳисобаланади. Сурма захиралари бўйича жаҳон захирасининг 3 фоизи ушбу мамлакатда аниқланган, бу кўрсаткич бўйича Тожикистон 4-ўринни эгаллайди. Экспортда ҳам айнай шу товарлар гуруҳининг улуши устунлиги сақланиб қолмоқда. Умумий экспортда металллар ва ундан тайёрланган маҳсулотлар улуши 41 фоизни ташкил этади. Иккинчи йирик товар гуруҳи текстил маҳсулотлари бўлиб, унда пахта толасининг катта улуши мавжуд. Умумий экспортда текстил маҳсулотларининг улуши 24 фоизга тенг бўлса, шундан 20 фоизи пахта толаси экспортига тўғри келади. 2.2.7-расмда товар

гуруҳларининг умумий экспорт ва импортдаги улуши келтирилган. Мамлакат импортининг асосий қисми истеъмол товарлари ва минерал-хом ашё ресурслари, хусусан, ёқилғи-энергетика маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келади.



2.2.7-расм. Тоҷикистон ташқи савдосининг таркибӣ тузилиши
Манба: Таджикистан в цифрах – Душанбе, 2014. – С.20.

Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдосининг товар таркиби таҳлилидан бир қатор умумий хусусиятларни ажратиб олиш мумкин:

- мамлакатлар экспортида минерал-хом ашё ресурсларининг улуши жуда юқори;
- мамлакатлар экспортида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улуши кам;
- импорт таркибида машина, асбоб-ускуналар ва транспорт воситалари, ҳамда бутловчи қисмларнинг улуши юқори.

Марказий Осиё мамлакатлари экспортида, таъкидланганидек, хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар улушининг юқори эканлиги мамлакатлар ижтимоӣ-иқтисодӣ ривожланишида бир қатор салбӣ оқибатларни келтириб чиқаради.

Биринчидан, Марказий Осиё мамлакатларининг асосий экспорт товарлари (нефт, металллар ва пахта) жаҳон бозоридаги нархларнинг талаб ўзгаришларига боғлиқлик даражасининг кучлилиги экспорт даромадлари барқарорлигига путр етказди. Бу эса ўз навбатида давлат бюджети шаклланиши ва иқтисодий ривожланиш барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Хом ашё маҳсулотлари ва уларга бўлган нархнинг тебариниши миллий валютанинг айирбошлаш қийматига таъсир этади. Хом ашё товарлари нархининг кўтарилиши миллий валюта нисбий қийматининг ортишига олиб келади. Бу эса бошқа тармоқларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлик даражасини пасайишига сабаб бўлади.

Хом ашё маҳсулотларининг нархи таркибида қўшилган қиймат миқдори тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларга нисбатан кам бўлади. Натижада даромадлар ҳажмини орттиришда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ушбу товарлар экспортини кенгайтириш талаб этилади.

Шундай қилиб, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдосини ривожлантиришда унинг товар таркибини диверсификациялаш масалаларининг долзарблиги ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ҳам ўз маърузасида қуйидаги фикрни билдириб ўтган: “Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хом ашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутилиб, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак.”¹⁴

¹⁴Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А. Каримов. – Тошкент. “Ўзбекистон”.-2010. –60-б.

2.3. Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдосининг географик таркиби

Мамлакатларнинг ташқи савдо таркибини ўрганишда унинг товар таркиби ва географик таркиби ўрганилади. Ташқи савдонинг географик таркиби мазкур мамлакат билан савдо алоқаларини йўлга қўйган ҳамкор мамлакатлар гуруҳини билдиради. Ташқи савдонинг географик таркиби мамлакатнинг табиий-географик хусусиятлари, сиёсий-ижтимоий тузими ва иқтисодий имкониятлари таъсирида шаклланади. Ишлаб чиқаришнинг таркибий ривожланганлиги ва иқтисодий инфратузилманинг самарали ташкил этилганлиги ташқи савдо географиясининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдосининг географик таркибини таҳлил этишда ҳамкор мамлакатларни икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ:

- МДХ мамлакатлари
- Узоқ хориж мамлакатлари

2.3.1-жадвал

Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдосида МДХ мамлакатлари улуши (фоизларда)

Мамлакатлар	2010		2011		2012		2013	
	экспорт	Импорт	Экспорт	импорт	экспорт	импорт	экспорт	импорт
Қозоғистон	15%	48%	14%	51%	13%	48%	13%	46%
Туркманистон	36%	17%	-	-	-	-	-	-
Ўзбекистон	43%	45%	45%	41%	57%	39%	47%	37%
Қирғизистон	45%	53%	45%	51%	58%	52%	50%	49%
Тожикистон	14%	59%	14%	57%	18%	55%	20%	48%

Манба: Давлатлар статистика хизмати маълумолари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Минтақа ташқи савдосида МДХ мамлакатларининг улуши юқори эканини кўришимиз мумкин. Мамлакатлар ўртасидаги тарихий-маданий

алоқалар, ишлаб чиқаришнинг таркибий хусусиятлари ва географик жойлашув каби қатор омиллар мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Қозоғистон экспортида МДХ мамлакатларининг улуши минтақанинг бошқа мамлакатларига нисбатан паст эканини кўриш мумкин. Экспортнинг қийматдаги ифодаси бўйича Қозоғистоннинг МДХ мамлакатларига экспорти Марказий Осиё мамлакатлари ичида энг юқори бўлишига қарамасдан, фоиз ҳисобида умумий экспортнинг атиги 13 фоизи МДХ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу ҳолат Қозоғистон экспортида ёқилғи-энергетика маҳсулотлари улушининг баланд экани билан изоҳланиши мумкин. МДХ мамлакатларининг кўпчилиги ушбу товарга бўлган талабни ички имкониятлар ҳисобига қондира олади. Нефт ва газ захиралари кичик МДХ мамлакатларида эса бозор аҳоли сонига мос равишда кўп маҳсулотлар талаб қилмайди. Тожикистон экспортида МДХ мамлакатлари улушининг кичик эканлиги ҳам мамлакатнинг турли металл захираларига бой экани билан тушунтирилади.

2.3.2-жадвал

Қозоғистоннинг асосий экспорт ҳамкорлари (жами экспортга нисбатан фоизларда)

Мамлакатлар	2010	2011	2012	2013
Жами экспорт ҳажми, (млн АҚШ доллари)	60270,8	84335,9	86448,8	82511,9
Жами экспорт, фоизларда	100,0	100,0	100,0	100,0
Италия	15,9	17,8	17,8	8,7
Хитой	16,8	17,5	16,5	17,4
Нидерландия	6,9	7,8	8,4	7,4
Россия	9,5	8,3	7,1	7,0
Франция	7,4	6,4	6,5	6,9
Бошқа мамлакатлар	43,5	42,2	43,7	52,6

Манба: Қазақстан в цифрах. – Астана, 2014. – С.25.

Ўзбекистон ва Қирғизистон экспортида МДХ мамлакатларининг улуши баланд эканини кўриш мумкин. Биринчидан, ушбу мамлакатлар экспортида истеъмол товарлари ва текстил маҳсулотларининг улуши юқори. Ишлаб

чиқарилаётган бу турдаги маҳсулотлар эса, асосан, МДХ мамлакатларига сотилади.

Қозоғистон экспортининг географик таркибида 2010-2013 йилларда жадвалдаги беш мамлакатнинг юқори улушини кўришимиз мумкин. Мамлакат экспортининг товар таркибида ёқилғи-энергетика маҳсулотларининг улуши катталиги экспортнинг географик таркибида Европа мамлакатлари ва сўнгги йилларда Хитой ҳиссаси юқорилигининг асосий сабабларидан ҳисобланади. Жадвал маълумотларидан Италиянинг улуши таҳлил этилаётган даврда кескин камайганини кўриш мумкин. Қозоғистоннинг Италияга экспорти 2010-2013 йилларда 9,6 млрд АҚШ долларидан 7,2 млрд АҚШ долларига камайди. Натижада унинг экспортдаги улуши 2010 йилда 15,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб 8,7 фоизга тушди. Мамлакат экспортида Хитойнинг етакчи ўрнини кўришимиз мумкин. 2010-2013 йилларда мамлакат улуши тахминан 17 фоизни ташкил этди, лекин экспорт ҳажми 142 фоизга ўсди ва 2013 йилда 14,4 млрд АҚШ долларига тенг бўлди. Шу каби жадал ўсиш Нидерландияга қилинган экспорт ҳажмида ҳам кузатилди. Агар 2010 йилда ушбу кўрсаткич 4,2 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб 6,1 млрд АҚШ долларига етди. Экспортнинг географик таркибидаги Нидерландиянинг улуши 2010-2013 йилларда 0,5 фоизга кўтарилди ва давр охирида 7,4 фоизга тенг бўлди. Францияга экспорт ҳажми 127,6 фоизга ўсганига қарамасдан, мамлакатнинг Қозоғистон экспортидаги ҳиссаси бу давр оралиғида 0,5 фоизга қисқарди. Россиянинг улуши 2010 йилдаги 9,5 фоиздан 2013 йилга келиб 7,0 фоизга тушди, экспортнинг ҳажми эса деярли ўзгаришсиз сақланди.

Россиянинг Қозоғистон экспортидаги улуши 2013 йилда атиги 7 фоизни ташкил этган бўлса, мамлакат импортида унинг ҳиссасига 36,2 фоиз Қозоғистон импорти тўғри келганини кўришимиз мумкин. (2.3.3- жадвал) Бу кўрсаткич кейинги ўринларда турган тўрт мамлакат улушларининг йиғиндисидан ҳам катта. Россиянинг улушида 2010-2013 йилларда 3,2

бирликка пасайиш кузатилган, лекин Россиянинг Қозоғистонга экспорти бу даврда 1,4 мартага кўпайган. Германия ва АҚШнинг мамлакат импортидаги улушларида жиддий ўзгаришлар кузатилмаган. Мамлакатларнинг Қозоғистонга экспорти мос равишда 1,5 ва 1,7 мартага кўпайган бўлсада, қийматдаги ҳажми нисбатан кичиклиги сабабли уларнинг улуши давр бошидаги кўрсаткичлардан катта фарқ қилмайди.

2.3.3-жадвал

Қозоғистон импортининг географик таркиби (жами импортга нисбатан фоизларда)

Мамлакатлар	2010	2011	2012	2013
Жами импорт ҳажми, (млн АҚШ доллари)	31 126,70	36 905,80	46 358,7	48 872,0
Жами импорт, фоизларда	100,0	100,0	100,0	100,0
Россия	39,4	41,5	36,6	36,2
Хитой	12,7	13,4	16,1	16,8
Германия	5,9	5,6	8,3	5,7
АҚШ	4,2	4,6	4,6	4,8
Корея Республикаси	1,7	1,7	2,1	2,6
Бошқа мамлакатлар	36,1	33,2	32,3	33,9

Манба: Казахстан в цифрах. – Астана, 2014. – С.23.

Қозоғистон импортида Хитой улуши ушбу давр оралиғида 4,1 фоизга ортганини кўришимиз мумкин. Шунингдек унинг ҳажми ҳам 2,1 мартага кўпайган ва давр охирига келиб 8,2 млрд АҚШ долларини ташкил этди. Корея Республикасидан қилинган экспорт ҳажмида ҳам шу каби йирик 2,4 марта ўсиш кузатилган. Лекин унинг ҳажми кичиклиги натижасида Қозоғистон импортининг географик таркибида мамлакатнинг улуши атиги 1 фоизга ўзгарган.

Қозоғистон ташқи савдосига хос бўлган экспорт таркибида узоқ хориж мамлакатларининг юқори улуши ва Россиянинг импортда етакчилиги хусусиятларини Қирғизистон ташқи савдосининг географик таркибида ҳам кўришимиз мумкин. (2.3.4-жадвал)

Қирғизистон экспортининг географик таркибида Швейцариянинг улуши баланд бўлиб, 2013 йилда ушбу кўрсаткич 25,6 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич давр бошидан атиги 0,5 фоизга пасайган, Швейцарияга қилинган экспортнинг ҳажми эса 2010-2013 йилларда 112,1 фоизга кўпайган. Қозоғистоннинг улуши эса 2010 йилдаги 12,2 фоиздан 2013 йилга келиб, 18,8 фоизга кўтарилди, экспорт ҳажми эса 176,1 фоизга ўсиб, 2013 йилда 377,3 млн АҚШ доллариға тенг бўлди. Қирғизистон экспортининг географик таркибидаги энг катта ўсиш Ўзбекистонга қилинган экспортда кузатилди. Давр бошида Ўзбекистоннинг улуши 2,7 фоиз бўлиб, экспорт ҳажми 47,4 млн АҚШ доллариға тенг эди. Агар 2012 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 11,4 фоиз ва 219,7 млн АҚШ долларини ташкил этиб таҳлил этилаётган давр учун энг юқори нуқтани қайд этган бўлса, 2013 йилда Ўзбекистоннинг улуши 7,9 фоизга тушди. Ўзбекистонга қилинган экспорт ҳажми эса 2010 йилга нисбатан 3,3 марта кўпайди ва 158,5 млн АҚШ доллариға тенг бўлди.

2.3.4-жадвал

Қирғизистон экспортида ҳамкор мамлакатлар улуши (фоизларда)

Мамлакатлар	2010	2011	2012	2013
Жами экспорт ҳажми, (млн АҚШ доллари)	1755,9	2242,2	1927,6	2006,8
Жами экспорт, фоизларда	100,0	100,0	100,0	100,0
Швейцария	26,1	44,1	32,8	25,6
Қозоғистон	12,2	14,6	23,6	18,8
БАА	20,3	7,6	1,0	11,1
Ўзбекистон	2,7	6,3	11,4	7,9
Россия	14,4	14,4	13,1	7,6
Бошқа мамлакатлар	24,3	13,0	18,1	29,0

Манба: Внешняя торговля Кыргызской Республики 2009-2013. – Бишкек, 2014. – С.17.

Қирғизистон экспортида икки йирик ҳамкор мамлакатнинг улуши ва уларга қилинган экспорт ҳажмида 2010-2013 йиллар оралиғида пасайиш кузатилган. БАА ва Россияга қилинган экспорт ҳажми мос равишда 2013 йилда 2010 йилга нисбатан 62,5 фоиз ва 60,3 фоизни ташкил этган. Уларнинг мамлакат экспортидаги улуши ҳам 2013 йилга келиб деярли икки мартага

камайган ва БАА нинг улуши 11,1 фоизгача, Россиянинг улуши эса 7,6 фоизгача тушган.

Мамлакатнинг импорти таркибида эса, аксинча, Россиянинг етакчи ўринни эгаллаганини 2.8-жадвалдан кўришимиз мумкин. Россиянинг хиссасига умумий импортнинг 33,2 фоизи тўғри келиб, таҳлил этилаётган даврда бу кўрсаткич деярли ўзгармаган. Шу ўринда, алоҳида мамлакатнинг улуши ўзгаришсиз сақланиши умумий кўрсаткич ва алоҳида мамлакат кўрсаткичи бир хил суръатларда ўзгариши ҳисобига юз беришини айтиб ўтиш лозим. Қирғизистон импорти 2010-2013 йилларда 185,7 фоизга ўсган бўлса, Россиянинг Қирғизистонга экспорти 183,6 фоизга ўсган. Шу сабабли Россиянинг улушида жиддий ўзгаришлар кузатилмаган.

2.3.5-жадвал

Қирғизистон импортида ҳамкор мамлакатлар улуши (фоизларда)

Мамлакатлар	2010	2011	2012	2013
Жами импорт ҳажми, (млн АҚШ доллари)	3222,8	4261,2	5576,3	5987,0
Жами импорт, фоизларда	100,0	100,0	100,0	100,0
Россия	33,6	33,5	32,6	33,2
Хитой	20,7	21,7	21,8	23,9
Қозоғистон	12,0	9,7	12,5	9,3
АҚШ	5,9	4,9	4,5	3,7
Япония	2,7	3,9	3,9	4,3
Германия	2,6	2,7	3,1	3,4
Бошқа мамлакатлар	22,5	23,6	21,6	22,2

Манба: Внешняя торговля Кыргызской Республики 2009-2013. – Бишкек, 2014. – С.17.

Қирғизистоннинг импорти таркибида Хитойнинг улуши иккинчи йирик кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич 2010-2013 йилларда барқарор ўсган бўлиб, 2013 йилга келиб 23,9 фоизга етди. Импортнинг ҳажми эса ушбу даврда 2,14 мартага кўпайди ва 1,4 млрд АҚШ долларини ташкил этди. Шунингдек, гарчи улуши нисатан кичик бўлсада, Япония ва Германиянинг улуши мос равишда 4,3 ва 3,4 фоизга кўтарилди. Япониянинг Қирғизистонга экспорти таҳлил этилаётган даврда қарийб 3 карра кўпайган бўлса,

Германиянинг экспорти 2,4 мартага кўпайган. Лекин икки мамлакатнинг улушида қисқариш кузатилди. Агар 2010 йилда Қозоғистондан импорт ҳажми 386,7 млн АҚШ доллари ва унинг улуши 12,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 556,8 млн АҚШ доллари ва 9,3 га тенг бўлди. АҚШнинг Қирғизистон импортидаги ҳиссаси ҳам 2,2 бирликка камайган ва 2013 йилда 3,7 фоизга тушган.

Қирғизистон импортининг географик таркибига хос бир хусусиятни ажратиб кўрсатиш лозим. Ҳар бир йирик ҳамкор мамлакатнинг Қирғизистонга экспорти ҳажми йилдан йилга кўтарилган. Таркибий тузилишида улушлари қисқарган бўлсада, деярли ҳеч бир мамлакат кўрсаткичларида 2010-2013 йилларда камайиш кузатилмаган.

Тожикистон ташқи савдосининг географик таркибида ҳам юқоридаги икки мамлакатга хос бўлган хусусиятни кўришимиз мумкин.

2.3.6-жадвал

Тожикистон экспортининг географик таркиби

Мамлакатлар	2010	2011	2012	2013
Жами экспорт ҳажми, (млн АҚШ доллари)	1195	1257,3	1359,7	1161,8
Жами экспорт, фоизларда	100,0	100,0	100,0	100,0
Россия	9	6	8	10
Ўзбекистан	1	0	0	0
Бошқа МДХ мамлакатлари	4	8	9	8
Бошқа Европа мамлакатлари	6	10	10	10
Бошқа Осиё мамлакатлари	80	76	72	70
Бошқа мамлакатлар	0	0	0	0

Манба: Таджикистан в цифрах. – Душанбе, 2014. – С.23

Тожикистон экспортида МДХ мамлакатларининг улуши кичик эканини кўришимиз мумкин. Агар 2010 йилда мамлакат экспортида МДХ мамлакатларининг улуши 14 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 18 фоизга кўтарилди. Жумладан, Россиянинг мамлакат экспортидаги ҳиссаси 2010-2013 йилларда 1 бирликка кўтарилди, экспортнинг ҳажми эса ушбу даврда 108,0 фоизга ўсди. Мамлакат экспортида Осиё мамлакатларининг улуши юқори эканини кўришимиз мумкин. Осиё

мамлакатларининг ҳиссасига 2013 йилда экспортнинг 70 фоизи тўғри келди. Лекин бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 10 бирликка камайганини ҳам кўришимиз мумкин. Тожикистоннинг Осиё мамлакатларига экспорти ҳажми ушбу йиллар давомида 14,9 фоизга қисқарган ва 813,3 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Таҳлил этилаётган даврда Европа мамлакатларининг Тожикистон экспортидаги улуши 4 бирликка кўтарилди ва 10 фоизни ташкил этди. Экспорт ҳажми эса 162,0 фоизга ўсиб, 2013 йилда 116,18 млн АҚШ долларини ташкил этди.

Тожикистон импортининг географик таркибида МДХ мамлакатларининг улуши 2010 йилга нисбатан камайганини кўришимиз мумкин (2.3.7-жадвал). Лекин мамлакат импортида МДХ мамлакатларининг юқори улуши сақланиб қолган. 2013 йилда бу кўрсаткич 48 фоизни ташкил этган бўлиб, 2010 йилга нисбатан 11 бирликка камайган. Биргина Россиянинг улуши, экспортининг ҳажми 2010-2013 йилларда 107,4 фоизга ўсган бўлсада, 10 бирликка камайган. Қолган МДХ мамлакатларининг улуши эса 2 бирликка кўтарилган. Европа мамлакатларининг Тожикистонга экспорти ҳажми 2013 йилда 2010 йилга нисбатан 187,5 фоизни ташкил этди ва умумий импортдаги Европанинг улуши ҳам 2 бирликка кўтарилди.

2.3.7-жадвал

Тожикистон импортининг географик таркиби (фоизларда)

Мамлакатлар	2010	2011	2012	2013
Жами импорт ҳажми, (млн АҚШ доллари)	2657	3206	3778	4151
Жами импорт, фоизларда	100,0	100,0	100,0	100,0
Россия	32	30	25	22
Ўзбекистан	3	2	2	0
Бошқа МДХ мамлакатлари	24	25	28	26
Бошқа Европа мамлакатлари	10	8	8	12
Бошқа Осиё мамлакатлари	23	27	27	32
Бошқа мамлакатлар	8	8	10	8

Манба: Таджикистан в цифрах. – Душанбе, 2014. – С.23

Тожикистон импортида Осиёнинг бошқа мамлакатлари улушини ортганини ҳам кўришимиз мумкин. Осиё мамлакатларидан Тожикистонга

килинган экспорт ҳажми 2010-2013 йилларда 2 марта ошган ва мамлакатнинг умумий импортидаги улуши 23 фоиздан 32 фоизгача ошган.

Тожикистон ташқи савдосида Осиё мамлакатларидан Хитой, Туркия ва Эроннинг улуши юқори эканини таъкидлаб ўтиш мумкин. Хусусан, экспортда Осиё мамлакатларидан Туркия етакчи ҳисобланса, Хитой иккинчи ўринда туради. Импортда эса Осиё мамлакатларидан Хитой ва Эрон мамлакатлари етакчилигини кўришимиз мумкин.

Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида кузатилганидек, Ўзбекистон ташқи савдосида ҳам Россиянинг катта улушини кўриш мумкин. Қуйидаги 2.3.8-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2010-2012 Ўзбекистоннинг экспорти 109,5 фоизга ўсди. Унинг географик таркибида мамлакатлар кетма-кетлиги ўзгармаган бўлсада, уларнинг улушида бир қатор силжишлар кузатилди. Жумладан, Россиянинг Ўзбекистон экспортидаги улуши 2010 йилда 31,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб унинг улуши 36,5 фоизга етди. Ўзбекистоннинг Россияга экспорти эса бу даврда 125,3 фоизга ўсди, ва 2012 йилда 5,2 млрд АҚШ долларини ташкил этди.

2.3.8-жадвал

Ўзбекистоннинг экспорт ҳамкорлари (умумий экспорт ҳажмига нисбатан фоизларда)

Мамлакатлар	2010	2011	2012
Жами экспорт ҳажми, (млн АҚШ доллари)	13023,4	15021,3	14258,8
Жами экспорт, фоизларда	100,0	100,0	100,0
Россия	31,9	29,3	36,5
Қозоғистон	7,2	8,7	12,4
Хитой	6,8	11,1	10,2
Туркия	5,5	6,1	6,0
Эрон	4,6	2,5	2,3
Бошқа мамлакатлар	44,0	42,3	32,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Қозоғистон ҳиссасига 2012 йилда Ўзбекистон экспортининг 12,4 фоизи тўғри келди. Бу кўрсаткич ҳам 2010 йил кўрсаткичидан 5,2 бирликка

кўпайганини билдиради. Ўзбекистондан Қозоғистонга қилинган экспорт ҳажми эса 2010-2012 йилларда 188,6 фоизга ортди. Мамлакатнинг Хитойга экспортида ҳам ушбу даврда 164,2 фоиз ўсиш кузатилган ва унинг умумий экспортдаги ҳиссаси 2010 йилдаги 6,8 фоизга нисбатан 3,4 бирликка кўпайган, 2012 йилда 10,2 фоизни ташкил этди.

Туркиянинг улуши эса 2010-2012 йилларда деярли бир хил бўлган. Туркияга экспорт қилинган товарлар қиймати бу йилларда 119,4 фоизга ортган бўлсада, унинг умумий экспортдаги улуши атиги 0,5 фоизга кўпайган ва 2012 йилда 6,0 фоизга етган. Асосий ҳамкор мамлакатлар ичида Эроннинг улуши икки мартага қисқарганини кўришимиз мумкин. Экспорт ҳажми 2010 йилга нисбатан 2012 йилда 45,3 фоизга қисқарган ва 328 млн АҚШ долларини ташкил этган. Натижада унинг улуши мос равишда 4,6 фоиздан 2,3 фоизгача тушди.

Ўзбекистон импортининг географик таркибида узоқ хориж мамлакатларининг улуши экспорт таркибидагига нисбатан юқори эканини кўришимиз мумкин. (2.3.9 -жадвал)

2.3.9-жадвал

Ўзбекистон импортида ҳамкор мамлакатлар улуши

	2010	2011	2012
Жами импорт ҳажми, (млн АҚШ доллари)	9175,8	11038	12027,7
Жами импорт, фоизларда	100,0	100,0	100,0
Россия	21,7	20,7	20,4
Корея Республикаси	15,9	13,5	16,8
Хитой	13,6	11,7	14,7
Қозоғистон	10,9	9,9	8,9
Германия	4,8	4,7	3,7
Бошқа мамлакатлар	33,1	39,5	35,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Ўзбекистон импортининг географик таркибидаги ўзгаришларда 2010-2012 йилларда МДХ мамлакатлари улушининг камайиши кузатилмоқда. Хусусан, Россиянинг улуши 21,7 фоиздан 20,4 фоизгача қисқарган.

Россиядан Ўзбекистонга импортнинг ҳажми эса бу йилларда 123,2 фоизга ўсган. Қозоғистоннинг импортдаги улуши ҳам, импорт ҳажмининг 107,1 фоизга ўсишига қарамасдан, 2010 йилдаги 10,9 фоиздан 2012 йилда 8,9 фоизга тушган.

Корея Республикаси ва Хитойнинг Ўзбекистон импортидаги улуши 2010-2011 йилларда пасайган бўлишига қарамасдан, 2012 йилга келиб 2010 йилга нисбатан юқори кўрсаткични қайд этди. Ўзбекистоннинг бу мамлакатлардан импорти ҳажми 2010-2012 йилларда мос равишда 138,5 фоизга ва 141,7 фоизга ошди. Уларнинг умумий импортдаги улуши эса 0,9 бирликка кўтарилди. Германиянинг улуши эса таҳлил этилаётган давр оралиғида 1,1 бирликка пасайди. Германиянинг Ўзбекистонга экспорти ҳажми эса бу йилларда атиги 101,0 фоизга ошди.

Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдосининг географик таркиби таҳлилидан қуйидаги умумий хулосаларни келтириб чиқариш мумкин. Биринчидан, мамлакатлар экспортининг географик таркиби товар ва маҳсулотларнинг қайта ишланганлик даражасига боғлиқ равишда узоқ хориж ёки МДХ мамлакатларига сотилади. Бунда ҳом ашё ва ёқилғи-энергетика маҳсулотларининг асосий қисми узоқ хориж мамлакатларига экспорт қилинишини кўриш мумкин.

Иккинчидан, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдосида бир мамлакатнинг улуши юқори ва мамлакатлар ҳиссасида фарқ катта экани аниқланди.

Учинчидан, мамлакатлар ташқи савдосида Россиянинг улуши юқори эканини кўриш мумкин. Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон импортида Ўзбекистон экспорти ва импортида ҳам Россиянинг юқори улуши кузатилади.

Тўртинчидан, мамлакатлар ташқи савдосининг географик таркиби таҳлили Марказий Осиё мамлакатлари ўзртасидаги ўзаро савдо алоқалари яхши ривожланмаганини кўрсатади.

2-боб бўйича хулосалар

Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдоси динамикаси ва таркибий хусусиятлари таҳлилидан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

- Барча мамлакатларда таҳлил этилаётган даврда ташқи савдо айланмаси ўсган бўлиб, Туркменистон ташқи савдо айланмаси икки мартага ортган. Энг кам ўсиш эса Тожикистон ва Ўзбекистонда кузатилган. Қозоғистон ва Қирғизистонда бу кўрсаткич минтақа бўйича ўртача кўрсаткичга яқин.;

- Минтақа ташқи савдосида Қозоғистоннинг улуши юқори бўлиб, барча мамлакатлар кўрсаткичлари йиғиндисидан икки мартага катта. Минтақанинг ташқи савдо сальдоси ҳам ижобий бўлиб, икки мамлакат: Тожикистон ва Қирғизистонда импорт ҳажми экспортдан катта. Лекин умумий кўрсаткичда мамлакатлар улушининг камлиги натижасида уларнинг манфий сальдоси минтақа ташқи савдо балансига жиддий таъсир этмайди;

- Ташқи савдонинг товар таркибида ёқилғи-энергетика маҳсулотлари ва металлларнинг юқори улушини кўриш мумкин. Минтақа экспортининг асосий қисми хом ашё маҳсулотлари ҳисобланади. Ушбу турдаги маҳсулотлар Қозоғистон ва Туркменистон экспортида минтақа бўйича энг катта улушларга эга. Импортда эса истеъмол товарлари ва машина-техника товарларининг устунлигини кузатиш мумкин.

- Минтақа ташқи савдосининг географик таркибида МДҲ мамлакатлари алоҳида таҳлил этилади. Қозоғистон экспортида МДҲ мамлакатларининг улуши кичик бўлиб, ёқилғи-энергетика маҳсулотларини Хитой ва Европа мамлакатларига сотиши билан изоҳланади. Минтақа даражасида ташқи савдо айланмасида Россиянинг ҳиссаси баланд.

- Мамлакатлар ташқи савдосининг географик таркибини таҳлил этиш жараёнида минтақавий савдо паст даражада ривожланганлиги аниқланди.

III БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ТАШҚИ САВДОСИ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Минтақа мамлакатлари ташқи савдоси таркибини диверсификациялаш йўллари

Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдосининг товар ва географик таркибида бир қатор муаммолар мавжуд экани таҳлилдан аниқланди. Хусусан, қуйидаги муаммоларни алоҳида санаб ўтиш мумкин:

- экспортнинг товар таркибида хом ашё маҳсулотларининг улушини юқори экани. Мамлакатлар экспортида табиий ресурсларнинг, жумладан, қайта ишланмаган ёқилғи-энергетика маҳсулотлари ва металллар ҳиссасининг баланд эканлигини кўриш мумкин;

- экспорт товар таркибининг мамлакат табиий ресурс захираларига кучли боғлиқлик даражаси. Асосий экспортчи мамлакатларнинг қайта ишланган товарлар экспортида ҳам мавжуд табиий ресурсларни бирламчи қайта ишланган маҳсулотлари улушининг баландлиги кузатилади. Қозғистон экспортида қайта ишланган маҳсулотлар улуши 2013 йилда 24 фоизни ташкил этди. Бирламчи қайта ишланган металл ва ёқилғи энергетика маҳсулотларининг ҳиссасига эса 18 фоиз экспорт тўғри келди¹⁵;

- ташқи савдонинг географик таркибида бир қатор мамлакатлар улушининг сезиларли даражада юқори экани. Натижада минтақа иқтисодиётининг ҳамкор мамлакатдаги ўзгаришларга бўлган сезувчанлик даражаси ортиб бормоқда.

- импортда истеъмол товарларининг улуши юқори экани бази мамлакатлар миллий иқтисодиётининг таркибий ривожланганлик даражаси паст эканидан далолат беради.

¹⁵Анализ состояния внешней торговли РК за 2013 год. АО «Национальное агентство по экспорту и инвестициям «KAZNEX INVEST», Астана – 2014 г. с-13

Аниқланган муаммолар мамлакатлар ташқи савдосини таркибий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқ кўрсатиб беради. Марказий Осиё мамлакатларида экспорт таркибини такомиллаштириш, унда қайта ишланган, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар улушини ошириш, ҳамкор мамлакатлар кўламини кенгайтириш ва иқтисодий боғлиқликни камайтириш, миллий иқтисодиётнинг хавфсизлик нуқтаи назаридан эса импорт таркибини самарадорлик даражасини кўтариш, бир сўз билан ташқи савдонинг товар ва географик таркибини диверсификациялаш масалаларининг долзарблиги ортмоқда.

Мамлакатларда ташқи савдони ислоҳ этиш стратегиясини ишлаб чиқишда диверсификация йўналишларини аниқ белгилаб олиш ва устувор йўналишларни ажратиш ислохотларнинг самарали бўлишини таъминлайди. Бунда иқтисодиётнинг жорий ҳолати ва истикболдаги вазиятини чуқур ўрганиш, илмий асосланган ҳолда таҳлил қилиш ва таклифларни ишлаб чиқиш лозим. Ислохотлар йўналишини белгилашда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

- ишлаб чиқаришда диверсификация жараёнларини амалга ошириш харажатлари миқдори;
- ишлаб чиқаришни диверсификациялашувининг иқтисодий ресурслар билан таъминланаганлик даражаси;
- диверсификация жараёнларининг самарадорлиги ва сарфланган харажатларни қоплаш муддати;
- экспортга йўналтирилган тармоқларнинг ривожланганлик даражаси;
- мавжуд бозорларнинг товар сиғими;
- мамлакатнинг ташқи бозордаги нуфузи;
- янги бозорларга чиқиш имконияти ва рақобат муҳити;
- транспорт ва сақлаш имкониятлари ва бошқалар.

Марказий Осиё мамлакатлари имкониятлари ва миллий иқтисодиётларнинг ҳозирги ҳолатидан келиб чиққан ҳолатда ташқи савдони

ривожлантиришнинг уч асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Булар:

1. Экспортнинг товар таркибини такомиллаштириш.
2. Экспорт маҳсулотлари етказиб берилаётган мамлакатлар географиясини ислоҳ этиш.
3. Импортнинг географик таркибини диверсификациялаш.

Марказий Осиё мамлакатларининг географик жойлашуви ва таркибий ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда ташқи савдони диверсификациялашнинг муҳим йўналиши сифатида ички савдони яъни Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари билан савдони ривожлантиришни кўрсатиб ўтиш мумкин. Мамлакатлар ташқи савдосининг географик таркибини таҳлил этишда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо алоқаларининг мамлакатлар ташқи савдосидаги улуши жуда кичик экани аниқланди. Алоҳида мамлакатларда бу кўрсаткич 1 фоизга ҳам етиб бормайди. Бу ҳолат Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида интеграциялашув даражасининг паст эканидан далолат беради. Ваҳоланки, мамлакатларнинг ўзаро савдо муносабатларини ривожланишига ижобий таъсир этувчи бир қатор омилларни санаб ўтиш мумкин:

- мамлакатларнинг географик ва ижтимоий-маданий яқинлиги.

Марказий Осиё мамлакатларининг географик жойлашуви, табиий ресурс салоҳияти ҳамда минтақавий бозор хусусиятлари минтақадаги интеграцион жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади;

- мамлакатларнинг тарихий алоқалари сабабли ягона технологик базага эга эканлиги;

- мамлакатларнинг биргаликдаги иштирокини, келишувини талаб этувчи жараёнларнинг мавжудлиги, жумладан, минтақада сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари;

- Марказий Осиё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси ўртасидаги фарқ катта эмаслиги минтақада ўзаро

савдонинг, интеграцион жараёнларнинг ривожланишига қулай шароит яратиб беради;

- Минтақа мамлакатлари ўртасидаги савдо муносабатлари ва интеграцион жараёнларнинг ривожланиши минтақа мамлакатларининг ўзаро боғлиқлик даражаси нуктаи назаридан ҳам табиий юз бериши лозим бўлган жараён ҳисобланади;

- Марказий Осиё мамлакатларини олдида турган турли ижтимоий-иқтисодий, экологик муаммоларни ҳал этиш мамлакатлардан бирлашишни талаб этади;

- Мамлакатларнинг иқтисодий ислохотлардан кўзлаган пировард мақсадларининг ўхшашлиги иқтисодий интеграция жараёнларини ривожлантирувчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларининг керакли даражада ривожланмагани, ташқи савдода қўшни мамлакатлар улушининг камлиги минтақада савдо алоқаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омилларнинг мавжудлигини билдиради. Марказий Осиё минтақасида ўзаро савдонинг ривожланишига салбий таъсир этувчи ушбу омилларни сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин деб ҳисоблайман. Биринчидан, мамлакатлар экспортининг таркибий ўхшашлиги, айниқса, экспортда табиий хом ашё ресурслари улушининг юқорилиги. Натижада мамлакатларнинг экспортга таклиф этаётган маҳсулотларига минтақа мамлакатлари томонидан талабнинг мавжуд эмаслиги муаммоси вужудга келади.

Иккинчидан, мамлакатлар иқтисодий ислохотлар модели ва таркибий ривожлантиришда турли иқтисодий сиёсатни танлаб олганлари мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бугунги кунга келиб, минтақа мамлакатлари иқтисодиётида давлатнинг роли турлича намоён бўлади. Қозоғистон ва Қирғизистон иқтисодиётнинг либерал моделига асосланиб ривожланаётган бўлса,

тараққийнинг ўзбек моделида давлатнинг иқтисодийдаги етакчи роли белгилаб қўйилган.

Учинчидан, мамлакатларда савдо қонунчилигида ҳам кучли тафовутлар мавжуд. Мамлакатларга товар олиб киришдаги божхона тўловлари, тарифлар ва бошқа солиқлар турлича миқдорда белгиланган. Бу эса иқтисодий субъектларнинг қўшни мамлакатларда фаолият олиб боришида бир қатор қийинчиликлар келтириб чиқаради.


Тўртинчидан, минтақа мамлакатлари ўртасидаги савдо муносабатларини тартибга солувчи, ўзаро савдода қатор енгиликлар тақдим этувчи келишувларнинг мавжуд эмас.

Марказий Осиё мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш халқаро даражада мамлакатлараро иқтисодий-савдо келишуви ва савдони ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишни талаб этади.

Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда қуйидаги йўналишларда иш олиб бориш мақсадга мувофиқ:

1. Мамлакатнинг табиий хом ашё базасидан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим. Минтақа мамлакатларининг иқтисодий жиҳатдан бир бирини тўлдирувчи ҳисобланади ва иқтисодий гуруҳ сифатида минтақада кучли савдо марказини вужудга келтириш имкониятига эга ҳисобланади.

2. Мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатувчи омил сифатида умумий тўлов тизимининг мавжудлигини олиш мумкин. Бу йўналишдаги чора-тадбирлар корхоналар фаолиятида қатор енгиликлар яратиб беради ва уларнинг ташқи бозордаги фаолиятини қўллаб-қувватлайди.



3.1.1-расм. Марказий Осиё мамлакатлари савдосини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

3. Мамлакатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш ва кўшма корхоналар фаолиятини рағбатлантириш масалалари корхоналарнинг ишлаб чиқариш имкониятларини ошириши билан бир каторда маҳсулотларни минтақа бозорларига олиб чиқишда турли кўзда тутилмаган муаммоларнинг ҳам олдини олади. Бу эса корхоналарни ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришга ундайди.

4. Транспорт тизимининг яхлит бўлишини таъминлаш ва минтақа мамлакатлари орқали узоқ хориж мамлакатларига чиқиш имкониятларини кенгайтириш савдони нафақат минтақа доирасида, балки умумий географик жихатдан ривожлантиришга замин яратиб беради. Маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт масалалари мамлакатлар учун долзарб масала бўлиб, транспорт имкониятлари маҳсулотлар рақобатбардошлигига кучли таъсир

этувчи омиллардан ҳисобаланди. Шу жиҳатдан ҳам мазкур йўналишларда иш олиб бориш талаб этилади.

5. Минтақада эркин савдо ҳудудини ташкил этиш лозим. Бу тадбир бази корхоналар фаолияти кўламини кенгайтиришига ёрдам берса, янги ишлаб чиқарувчилар учун жаҳон бозорига кириб боришида катта имконият ҳисобаланади.

6. Бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва унинг мамлакатлараро элементларини яхлит тизимга бирлаштириш иқтисодий муҳит ва шароитларни ўхшаш бўлишини таъминлаши билан иқтисодий фаолият юритувчи субъектларга енгиллик яратиб беради.

7. Ташқи бозорда фаолият олиб боришга кўмаклашувчи минтақавий институтларнинг ташкил этилиши ишлаб чиқарувчилар учун қатор қулайликлар келтириб чиқаради. Шу билан бирга ушбу институтлар минтақавий ривожланиш хусусиятларини ўрганиш ва минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш муаммоларини аниқлаш билан шуғулланади.

8. Минтақада ишлаб чиқарувчилар учун қулай рақобат муҳити яратиб берилиши лозим. Бунда асосий эътибор товарларнинг нарх жиҳатдан рақобатбардошлигига салбий таъсир этувчи импорт тарифлари ва турли божхона тўловларига қаратилмоғи лозим.

Марказий Осиё минтақасида ўзаро савдонинг ривожланиши қулай табиий шароитларни инобатга олган ҳолда, мамлакатларга йирик иқтисодий марказларга чиқиш имкониятларини ҳам беради. Шу жиҳатдан ташқи савдони бу йўналишда ривожлантириш мамлакатларнинг экспортининг географик таркибини ривожланишига ўзининг ижобий тасирини кўрсатади.

Минтақавий савдонинг ривожланиши натижасида, мамлакатлар ўртсидаги савдо алоқаларининг товар таркибидан келиб чиққан ҳолда, экспортда тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларнинг улуши ҳам ортиб боради. Чунки минтақа мамлакатлари бу турдаги маҳсулотларнинг асосий

истеъмолчилари ҳисобланади. Бу эса мамлакатлар экспортида кўшимча қийматга эга маҳсулотларнинг ҳиссаси ортиб боришини билдиради. Натижада экспортнинг самарадорлик даражаси ортади.

3.2. Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш имкониятлари

Фан-техника тараққиёти натижасида халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувининг чуқурлашуви мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига, бир ҳудудда жойлашган мамлакатлар ўртасида интеграцион алоқаларнинг фаоллашувига олиб келмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳудудий интеграция ташкилотларига аъзо мамлакатларнинг глобаллашув шароитларига мослашиши, халқаро меҳнат тақсимоти имкониятларидан фойдаланиши самарали тарзда кечмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси турли халқаро ва ҳудудий интеграцион ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш орқали мамлакатимизда мавжуд табиий-иқтисодий, меҳнат ва молиявий ресурслардан, халқаро меҳнат тақсимоти имкониятларидан самарали фойдаланишга, жаҳон хўжалик тизимида ўзига хос ўрин эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро ва ҳудудий интеграция ташкилотларига аъзо бўлиб кирди. Бу эса республикамиз учун долзарб ҳисобланган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон учун Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш алоҳида ўринга эга, чунки кўп йиллик тарихий ривожланиш давомида Марказий Осиё давлатлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик муносабатлари шаклланган. Мамлакатлар иқтисодиёти асосий ва етакчи тармоқларининг ўхшашлиги,

уларнинг яхлит ҳудудий бирликка эга эканлиги, сув ва энергетика манбаларининг ягоналиги ва улардан биргаликда фойдаланиш зарурияти, ягона транспорт ва коммуникация тизимининг мавжудлиги, экологик муаммоларнинг бир хиллиги минтақа республикалари ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг доимий бўлишини таъминлайди. Минтақа халқларининг диний, маданий, тил, урф-одат, анъана ва маънавий бирлиги эса ҳамкорлик алоқаларининг янада чуқурроқ ва ҳар томонлама бўлишига ижобий таъсир кўрсатади. Бугунги кунга келиб мустақалликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётга бозор муносабатларини жорий қилиш ва жаҳон хўжалик тизимида ўз ўрнини эгаллаш ғоялари Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятларини бирлаштиришни тақозо қилмоқда.

Минтақа давлатлари орасида ўзаро манфаатдорлик ва ихтиёрийликка асосланган ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш барча республикаларда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминловчи муҳим шартлардан биридир.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Марказий Осиё республикалари раҳбарлари томонидан минтақа мамлакатлари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари ўртасида 1994 йил апрелда ягона иқтисодий ҳудудни барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши минтақада ўзаро ҳамкорлик алоқалари ва интеграцион жараёнларни ривожлантириш бўйича қўйилган жиддий амалий қадам бўлди. Бу шартномани имзолашдан кўзда тутилган асосий мақсад товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг минтақа бўйлаб эркин ҳаракатини таъминлаш, келишилган солиқ, бюджет, нарх, божхона ва валюта сиёсатини юритишдан иборат эди.

Минтақа давлатлари раҳбарлари 1996 йил 5 апрелда ёқилғи-энергетика ва сув ресурсларидан фойдаланиш, Марказий Осиё минтақасида газ қувурларини қуриш ва ишга тушириш тўғрисидаги битимга имзо чекдилар.

Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон 1998 йил 17 мартда Сирдарё хавзасининг сув-энергетика ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги узок муддатли Шартномани имзоладилар. Бир йилдан сўнг бу шартномага Тожикистон ҳам қўшилди ва 1998 йил 26 мартда мазкур республика ҳам Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги шартноманинг тўлақонли аъзосига айланди.

Мазкур йилнинг ўзида ушбу "тўртлик" давлатлари Марказий Осиё иқтисодий ҳамдўстлиги ташкилотига асос солдилар. Бу ташкилот доирасидаги вазифаларни ҳал этиш учун Давлатлараро Кенгаш, Бош вазирлар, ташқи ишлар вазирлари, мудофаа вазирлари Кенгаши, ташкилотнинг ишчи органи - Ижроия қўмита каби институционал тузилмалар ташкил этилди. Бундан ташқари аъзо давлатларнинг улушлари ҳисобига Марказий Осиё банки барпо этилди.

Марказий Осиё иқтисодий ҳамдўстлиги ташкилоти бошлиқлари 1999 йилнинг июнь ойида Бишкекда Божхона иттифоқини тузишга эришиш тўғрисидаги фикрни илгари сурдилар. Бир йилдан сўнг эса Душанбада "Марказий Осиё иқтисодий ҳамдўстлигининг 2005 йилгача мўлжалланган интеграцион ривожланиш Стратегияси"ни тасдиқладилар. Ушбу ҳужжатда ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар иқтисодиётлари интеграцияси ҳар бир мамлакатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари ва хавфсизлик эҳтиёжларидан келиб чиқадиган объектив жараён эканлиги таъкидланди.

Марказий Осиё иқтисодий ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарлари 2001 йил 28 декабрь Тошкентда бўлиб ўтган учрашув чоғида минтақавий интеграция шакллари ва механизмларини такомиллаштириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича биргаликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсадида Марказий Осиё иқтисодий ҳамдўстлигини

"Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти" (МОҲТ)га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Алмати шаҳрида 2002 йил 28 февралда бўлиб ўтган учрашувда эса Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбарлари "Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти"ни таъсис этиш тўғрисидаги Шартномани имзоладилар. МОҲТ фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Марказий Осиё иқтисодий ҳамкорлиги доирасида қабул қилинган ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ҳаракатда бўлмаган ҳужжатларни бекор қилиш таклифи билан чиқди. Бу даврга келиб ташкилот доирасида 243 та ҳужжат имзоланган эди.

Шундай қилиб, МОҲТ кенг кўламдаги масалаларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган минтақавий форумга айланди. Чунончи, 2002 йил 5-6 октябрда Душанбада МОҲТга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашув давомида минтақавий интеграция жараёнларидан ташқари Афғонистон билан боғлиқ муаммолар ҳам кўриб чиқилди. Шунингдек, ушбу учрашув чоғида Оролбўйи минтақасидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий инқироз оқибатлари ва Оролни қутқариш Халқаро фонди фаолияти таҳлил қилинди.

МОҲТ раҳбарларининг кейинги учрашувларида ҳам минтақавий интеграция жараёнларини фаоллаштириш, ушбу ташкилотга аъзо мамлакатларда мавжуд энг долзарб муаммоларни ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Гарчи минтақа республикалари давлат раҳбарлари учрашувларида жуда кўп мақсадга мувофиқ қарорлар қабул қилинаётган бўлсада, уларнинг ҳаётга татбиғини мақсадга мувофиқ даражада деб бўлмайди. Бу эса иқтисодий кўрсаткичларда ўз ифодасини топмоқда. Муайян ҳудудда интеграцион жараёнлар амалга ошаётганлигини, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг интенсивлигини кўрсатувчи иккита муҳим кўрсаткич мавжуд: биринчиси – мамлакатлар ўзаро ташқи савдо алмашинуви

ҳажми, иккинчиси - ўзаро товар алмашинувининг мамлакатлар ялпи ички маҳсулотдаги улуши. Иккинчи кўрсаткич интеграция нуктаи назаридан бирмунча муҳимроқ бўлиб, у мамлакатларнинг бир-бирига нисбатан очиқлик даражасини, бошқача сўз билан айтганда, мамлакатларнинг бир-бирига боғлиқлик даражасини ифодалайди.

Минтақада кечаётган интеграцион алоқалар динамикасини Ўзбекистон Республикаси мисолида кўриб чиқамиз.

3.2.1-жадвал

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё республикалари билан товар айланмаси динамикаси (млн АҚШ доллари)

	Қозоғистон	Қирғизистон	Тожикистон	Туркменистон	Марказий Осиё бўйича жами
2000 йил					
Товар айланмаси	316,4	144,9	120,2	193,5	775
Экспорт	100,8	50,9	100,9	175,4	428,0
Импорт	215,6	94,0	19,3	18,1	347,0
Сальдо	- 114,8	- 43,1	81,6	157,3	81,0
2010 йил					
Товар айланмаси	1808,3	147,6	139,6	196,1	2291,6
Экспорт	852,1	106,6	127	120,8	1206,5
Импорт	956,2	41,0	12,6	75,3	1085,1
Сальдо	-104,1	65	114,4	45,5	121,4
2011					
Товар айланмаси	2770,8	160,1	124,5	454,2	3509,4
Экспорт	1673,2	94,2	119,0	168,5	2054,9
Импорт	1097,6	65,9	5,5	285,7	1454,7
Сальдо	575,6	28,3	113,5	-117,2	600,2
2012					
Товар айланмаси	2542,7	125,3	145,7	381,2	3194,9
Экспорт	1465,0	60,5	141,1	154,6	1821,2
Импорт	1077,7	64,8	4,6	226,6	1373,7
Сальдо	387,3	-4,3	136,5	-72,0	447,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси маълумотлари асосида тузилган

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо айланмаси 2014 йилда 2000 йилга нисбатан 4.1 мартага ошган. Жумладан, таҳлил қилинаётган давр мобайнида экспорт ҳажми 4,3 мартага ошган бўлса, импорт ҳажми 4,0 мартага ўсган.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо алоқаларидаги ижобий ҳолат шундан иборатки, республикамиз ушбу мамлакатлар билан ташқи савдода ижобий сальдога эга. Агар 2000 йилда

ушбу ижобий сальдо 81 млн долларни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 447,5 млн. долларга етган. Фақат Туркменистон ва Қирғизстон Республикалари билан ташқи савдо алоқаларида салбий сальдо шаклланган. Бироқ бу салбий сальдо қиймати сезиларсиз бўлиб, Марказий Осиё мамлакатлари билан ташқи савдодаги умумий сальдога сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Таъкидлаш лозимки, савдо алоқалари минтақада интеграцион алоқалар ривожланиши учун асос бўлиб ҳисобланади. Савдо алоқаларининг ривожланиши эса Марказий Осиёда босқичма-босқич эркин савдо зоналари, божхона иттифоқи, умумий бозор ва ягона иқтисодий ҳудуд шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Минтақада иқтисодий интеграция жараёнларининг фаоллашуви ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қуйидаги йўналишларда таъсир кўрсатади:

- минтақада интеграция жараёнларининг чуқурлашуви натижасида энг аввало миллий хўжаликларнинг тармоқ таркиби такомиллашади, чунки иқтисодий ҳудуд доирасида моддий ишлаб чиқаришнинг самарали тармоқларини танлаш ва капитал қўйилмаларни иқтисод қилган ҳолда импорт қилиш мақсадга мувофиқ бўлган маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришдан воз кечиш имконияти пайдо бўлади;

- минтақавий интеграцион ташкилотга аъзо бўлиб кирган ҳар бир мамлакатда замонавий ихтисослашган ишлаб чиқариш тармоқлари шаклланади. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш харажатлари пасаяди, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва сифати яхшиланади;

- фан ва техника соҳасида ягона сиёсат юритиш ва интеграциянинг чуқурлашуви натижасида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва унинг натижаларини амалиётга жорий қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилади;

- минтақа доирасида товарлар умумий бозорининг шаклланиши натижасида ўзаро товар алмашинув ҳажми ошади. Йирик миқдорда ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича ягона экспорт сиёсати юритиш натижасида эса уларнинг жаҳон бозоридаги маъқеи яхшиланади, жаҳон бозори конъюнктурасидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш учун имконият пайдо бўлади;

- Марказий Осиё бўйича хизматлар умумий бозорининг шаклланиши горизонтал иқтисодий алоқалар ривожланишини таъминлайди, қўшма корхоналар, бирлашмалар, фирмалар тузиш имконияти яхшиланади. Натижада янги самарали хўжалик алоқалари вужудга келади ва ривожланади;

- меҳнат ресурслари умумий бозорининг шаклланиши натижасида мамлакатлараро ишчи кучи ҳаракати фаоллашади, кадрлар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ошади, бандлик таркиби такомиллашади.

3-боб бўйича хулосалар

Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдосининг товар ва географик таркиби таҳлилидан бир муаммолар аниқланди

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2014. - 42 б.
2. Ўзбекистон Республикаси “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. 2000 йил 13 июнь (ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан).
3. Ўзбекистон Республикаси “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 30 апрель (ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан).
4. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 24 декабрь (ўзгартириш ва қўшимчалар билан)
5. Ўзбекистон Республикасининг “Концессия тўғрисида”ги Қонуни. 1995 йил 30 август (ўзгартириш ва қўшимчалар билан)
6. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонуни. 1998 йил 30 апрель (ўзгартириш ва қўшимчалар билан)

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

7. “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ–1442–сонли Қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги ««Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2009 йил 9 апрель

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 2009 йил 23 апрель

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари

11. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. - Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – 74 б.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 269 б.

13. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 326 б.

14. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 48 б.

15. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

16. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

17. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

18. Каримов И.А. 2012-йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2012. – 56 б.

19. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.

20. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. /Халқ сўзи, 17.01.2015.

IV. Илмий адабиётлар

4.1. Монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари

21. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. – М.: Информационно-внедрический центр «Маркетинг», 2008. – 312 с.

22. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: «Шарк», 2005. – 464 с.

23. Алчинов В.М. СНГ – Россия – Евросоюз. Проблемы и перспективы интеграции /В.М.Алчинов; Дипломат. акад. МИД России, Ин-т актуал. междунар. проблем. – М.: Восток – Запад, 2008. – 220 с.

24. Арифханов Ш.Р. Центральная Азия: настоящее и будущее /Т.: 2010. – 218 с.

25. Баринов В.А. Внешнеэкономическая деятельность. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2008. – 192 с.

26. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации. – М.: ЗАО “Издательство “Экономика”, 2007. – 359 с.

27. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т.: “Молия”. – 2010. – 328 с.

28. Дюмулен И.И. Всемирная торговая организация. Экономика, политика, право. - М.: ВАВТ, 2008. – 347 с.

29. Иванов Э.М. Экономические отношения России со странами Центральной Азии / Под ред. Е.М. Кожокина; Рос. ин-т стратег. исслед. - М., 2006. - 127 с.

30. Казахстан в системе мировых экономических процессов. – Алматы: КИСИ при Президенте РК, 2008. – 272 с.

31. Кейнс Д. Общая теория занятости, процента и денег: Антология экономической классики. – М.: Эконом-Ключ, 1993. – 456 с.
32. Кругман П.Р., Обсфельд М. Международная экономика: теория и практика. /Пер. с англ. М.: МГУ, ЮНИТИ, 1997. – 349 с.
33. Маршалл А. Принципы экономической науки. М.: Прогресс, 1993. – 267 с.
34. Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник /под ред. проф. А.С. Булатова, проф. Н.Н. Ливенцева - М.: Магистр, 2013. – 654 с.
35. Портер М. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость. /Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. – 715 с.
36. Расулев А., Бедринцев А., Акилов А. Узбекистан: Внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. - Т.: Узбекистан, 1996. – 80 с
37. Рикардо Д. Начало политической экономии и налогового обложения. М.: Прогресс, 1993. – 293 с.
38. Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретико-методологические аспекты. Монография. Ташкент – 2004. – 224 с
39. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1992. – 332 с.
40. Тўхлиев Н.Т., Ҳақбердиев Қ.Қ., Эрмаматов Ш.Ж., Холматов Н.Б. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 280 б.
41. Устинов И.Н. Мировая торговля: статистическо-энциклопедический справочник. //И.Н. Устинов. – М.: ЗАО “Издательство “Экономика”, 2006. – 848 с.

42. Харламова В.Н. Международная экономическая интеграция. М.: Анкил, 2002. – 208 с.
43. Центральная Азия: геοэкономика, геополитика, безопасность. Т.: «Шарк». 2002. – 208 с.
44. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2007. – 248 с.
45. Черников Г.П. Мировая экономика. М.: Дрофа, 2003. – 432 с.
46. Шеръязданова К. Г. Современные интеграционные процессы: учебное пособие. – Астана: Академия гос. упр. при Президенте РК, 2010. – 107 с.
47. Шишков Ю.В. Интеграционные процессы на пороге XXI века: Почему не интегрируются страны СНГ. М.: НП «III тысячелетие», 2001. – 352с.
48. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. /Муаллифлар жамоаси: Р.О. Алимов, А.Ф. Расулев, А.М. Қодиров ва бошқалар. //С.С. Гуломов таҳрири остида. – Тошкент: Konsauditinform-Nashr, 2006. – 440 б.
49. Ҳамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. – Т.: «Адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2001. – 328 б

4.2. Илмий журнал ва тўпламлардаги мақолалар

50. Арифханов Ш. Р. Формирование Центрально-азиатского общего рынка с учетом национальных интересов Узбекистана. //«Экономика Узбекистана» информационно-аналитический бюллетень за 2005 год. – 2006, №8. – с.117-120.
51. Бедринцев А. Узбекистан в мирохозяйственных связях: интеграционное взаимодействие. // Ж.Мировая экономика и международные отношения. 1999 г. №2. с. 99-104.

52. Бекмурадов А. Внешняя политика Республики Узбекистан в контексте экономической безопасности (методологический аспект). // Xalqaro munosabatlar. 2000, №2. - с.3-10.
53. Добровски М. Обновленный Европейский союз и СНГ реалии экономического сотрудничества // Неприкосновенный запас. – Астана, 2007. – №6 (56). – Б.26-30.
54. Доулинг М., Вигнараджа Г. Экономическое возрождение республик Центральной Азии: рубеж пройден // Центр. Азия и Кавказ. - Lulea, 2005. - №6. - с.120-132.
55. Дусчанов Р. О возможности использования опыта интеграции стран Западной Европы государствами Центральной Азии. // Центральная Азия и Кавказ. 2003, №5. - с.204-207.
56. Зевин Л.З., Ушакова Н.А. Россия и Центральная Азия: Проблемы и перспективы экономических отношений // Восток=Oriens. - 2005. – №2. - С.77-89; №3. - С.91-103.
57. Зиядуллаев Н.С. Сотрудничество России с Центральной Азией в рамках региональных организаций (ЕврАзЭС, ШОС и др.) // Рос. внешнеэкон. вестн. - 2006. - №10. - с.35-45.
58. Парамонов В., Камилов И., Строков А. Состояние и перспективы интеграции в Центральной Азии. // Экон. обозрение. - Ташкент, 2005. - №2. - с. 6-11.
59. Пилипенко И.В. Конкурентоспособность и интеграция: кластерная политика в Европейском Союзе // Сборник научных трудов ИМЭМО РАН «Интеграционные процессы в современном мире: экономика, политика, безопасность». – Москва, 2007. – с.24-32
60. Трушин Э., Прибиткова В. Сравнительные преимущества Узбекистана в международной торговле. // Экономический вестник Узбекистана.- 2000, №3. с.10-14

61. Рахматуллина Г. Интеграционные процессы в Центральной Азии. Возможности формирования общего рынка // Центр. Азия и Кавказ. - Lulea, 2005. - №6. - С. 133-139.

62. Резникова О.Б. Экономическое развитие государств Центральной Азии и Кавказа: роль внешних ресурсов. //Мировая экономика и международные отношения. – 2003, №4. – с.87-96.

63. Соколов В. Структура российской экономики и ее включение в мирохозяйственные связи. – Мировая экономика и международные отношения, 2001. №12, стр. 19-33

64. Талипов Ф. Сравнительный анализ интеграции в СНГ и Центральной Азии. //Центральная Азия и Кавказ. 1999, №5-6. - с.143-145.

65. Ушакова Н. Центральноазиатское сотрудничество: направления трансформации. //Центральная Азия и Кавказ. 2003, №3. – с.14-19.

66. Хачиев Г. Центральная Азия: портрет на фоне мировой экономики // Центр. Азия и Кавказ. - Lulea (Швеция), 2006. - №2. - С.137-146.

67. Шишков Ю.В. Отечественная теория региональной интеграции: опыт прошлого и взгляд в будущее. //Мировая экономика и международные отношения. 2006, №4. – с.54-63.

68. Шодиев Р. Внешнеэкономическая деятельность Узбекистана: ретроспектива и перспективы развития. //Xalqaro munosabatlar. 2001, №3. - с.31-38.

69. Юданов Ю.И. Центральная Азия - новый фаворит иностранных инвесторов. //Мировая экономика и международные отношения. 2000 г. №3, 4. с. 72-80.

4.3. Хорижий тилдаги адабиётлар

70. Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A Selected. Edited with an introduction and Notes by Kathrin Sutherland. – Oxford University Press, 1998, - 618 pp.

71. Anne O. Krueger. Trade Policy and Economic Development: How We Learn. – National Bureau of Economic Research, Working Paper 5896, January 1997, pp. 7-9.
72. Audretsch, David B. Industrial Organization and The New Industrial Policy. London, Centre for Economic Policy Research, (Discussion Paper Series), October 1998, - 51 p.
73. Balassa, B. The Theory of Economic Integration. London: Georg Allen & Unwin, 1962
74. Bertil Ohlin. Interregional and International Trade. - Cambridge: Harvard University Press, 1933.
75. Bhagwati, Jaddish N. and Srinivasan, T.N. A General Equilibrium Theory of Effective protection and Resource Allocation. – Journal of International Economics, Vol. 3, pp. 259-28.
76. Bruno and Chenery or Chenery and Bruno. Development Alternatives in an Open Economy: The Case of Israel. – Economic Journal, 1962, March, N285; Vol. 72, pp. 79-103.
77. Chenery, Hollis B. and Strout, Alan. Foreign Assistance and Economic Development. – American Economic Review, 1966, September, Vol. 56, pp. 679-733.
78. A. Harrison. Openness and growth: a time series, cross-country analysis for developing countries. – National Bureau of Economic Research, Working Paper N5221, pp. 2-3.
79. Krugman P. Import protection as Export promotion: International Competition in the Presence of Oligopolies and Economies of Scale. In: Monopolistic Competition and International Trade. – Oxford Univ. Press, 1984.
80. Stiglitz, Jozef T. Towards a New Paradigm for Development: Strategies, Policies and Process. – Prebisch Lecture at UNCTAD, 1988, Geneva, October 19.
81. Ricardo David. The Principles of Political Economy and Taxation. – Cambridge: Cambridge University Press, 1951.

82. Samuelson Paul. International Trade and the Equalization of Factor Prices. – Economic Journal, N 58, 1948. – pp. 163-184.

83. Stark, David, and Laszlo Bruszt. 1998. Postsocialist Pathways: Transforming Politics and Property in East Central Europe. Cambridge, MA: Cambridge University Press.

4.4. Диссертациялар и авторефератлар

84. Абдрахманова Г.К. Роль Казахстана в региональной интеграции на Евразийском пространстве.: Автореф. дисс.. канд. эк. наук. - Алматы 2009. – 29 с.

85. Эрмаматов Ш.Ж. Особенности формирования единого экономического пространства Средней Азии и Казахстана.: Автореф. дисс.. канд. эк. наук. - Т. 1999. – 24 с.

86. Муратова Г. Узбекистан в региональных экономических интеграционных процессах.: Автореф. дисс...канд. эк. наук. - Т.: 2004.- 22 с.

87. Далимов Р.Ш. Моделирование международной экономической интеграции и регионального экономического развития. Автореф. дисс. на соиск. уч степ. доктора экономических наук. Т., 2008. – 40 с.

88. Туйчиева Ш.Х. Углубление экономической интеграции Узбекистана с государствами Центральноазиатского региона.: Автореф. дисс...канд. эк. наук. - Т.: 1997.- 22 с.

89. Зайнитдинова У.Д. Теоретические аспекты развития торгового сотрудничества в Центральной Азии.: Автореф. дисс...канд. эк. наук. - Т.: 2010.- 25 с.

90. Дусчанов Р.Б. Современные тенденции и перспективы развития европейской интеграции в глобальной экономике.: Автореф. дисс...канд. эк. наук. - Т.: 2010.- 23 с.

91. Жураев А.Т. Европа Иттифоқининг иқтисодий-инвестицион имкониятлари ҳамда Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлигини

ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.: Автореф. дисс...канд. эк. наук. - Т.: 2010.- 26 с.

V. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

92. Анализ тенденций мировой торговли и внешней торговли Казахстана //Министерство по инвестициям и развитию Республики Казахстан. – Астана, 2014. – 224 с.

93. Внешняя торговля Кыргызской Республики 2009-2013. – Бишкек, 2014. – 128 с.

94. Казахстан в цифрах. – Астана, 2014. – 32 с.

95. Таджикистан в цифрах. – Душанбе, 2014. – 145 с.

96. Статистический ежегодник Туркменистана. – Ашхабад, 2011. – 218с.

97. Узбекистан в цифрах. Т.: 2014. – 152с

98. Экономка Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень. Т.: 2015. – 93 с.

99. UNCTAD Handbook of statistics 2013. New York and Geneva 2014

VI. Интернет сайтлари

100. <http://www.wto.org> (Бутунжаҳон савдо ташкилоти)

101. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси)

102. <http://www.cer.uz> (Иқтисодий тадқиқотлар маркази)

103. <http://www.cisstat.org>. (МДХ Давлатлараро статистика қўмитаси)

104. <http://www.stat.kz> (Қозоғистон Республикаси статистика хизмати)

105. <http://www.stat.kg> (Қирғизистон Республикаси миллий статистика қўмитаси)

106. <http://www.stat.tj> (Тожикистон Республикаси Президенти қошидаги статистика агентлиги)

107. <http://www.natstat.gov.tm> (Туркменистон Республикаси статистика қўмитаси)